БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 48 (18.824). • Жума, 24 февраль 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ВАТАНГА КЎПРОҚ РАНГЛИ МЕТАЛЛ БЕРАЙЛИК

ОЛМАЛИҚ (Тошкент области), 23 февраль (ЎзТАГ). В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида корхона коллективининг КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларини бажариш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

СССР рангли металлургия министри П. Ф. Ломако доклад қилди.

Докладда, корхона ходимларининг ҳамда унга хизмат қилувчи қурилиш-монтаж ва транспорт ташкилотлари ходимларининг нутқларида уқтириб ўтилишича, комбинатда рангли металлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш соҳасида муайян иш қилинмоқда. 1983 йилда товар маҳсулот ишлаб чиқариш, уни реализация қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш плани бажарилди. Кадрларнинг қўнимсизлиги камая бошлади, интизом мустаҳкамланмоқда: Бир йил мобайнида иш вақтининг зое ўтиши учдан бир ҳиссага камайди.

Комбинатни реконструкция қилиш ва кенгайтириш учун беш йиллик мобайнида сарфланган катта капитал маблағ кончилик корхоналари, мис бойитиш фабрикаси, рух заводи ва мисни катанка қилиш цехи қувватларини ошириш имконини берди. Янги технология жараёнлари жорий қилинди, қудратли, юксак даражада самарали асбоб-ускуналар ўзлаштирилмоқда.

Социал-маданий-маиший объектлар қуришнинг катта программаси рўёбга чиқарилмоқда. Уйсозлик комбинати ишга туширилди, металлургларга кончилар 115 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой, янги мактаблар ва болалар боғчалари, поликлиника олдилар.

Шу билан бирга Олмалиқ кон-металлургия комбинатини ривожлантириш ва қайта қуриш суръатлари ҳали етарли эмаслиги уқтириб ўтилди. Янги қувватлар ҳозирча кўнгилдагидек самара бераётгани йўқ. Комбинатнинг бир қанча бўлинмалари план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаяпти. Қалмоққир руда кони, мис-бойитиш фабрикаси, мис эритиш заводи қолоқлар қаторига тушиб қолди. Бу ерда меҳнатни ташкил этишнинг бригада усуллари суст жорий этилмоқда, меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонун туфайли рўёбга чиққан имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти, мусобақа яхши ташкил этилмаган.

Капитал қурилишда ҳам катта камчиликлар бор. Олтинтопган ва Учқулоч руда конларидаги, мис эритиш заводидаги қувватлар ўз вақтида ишга туширилмади, бошқа ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қурилиши орқада қолмоқда.

Йиғилишда қабул этилган резолюция комбинатнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, қурувчилар ва монтажчиларнинг бутун куч-ғайратини меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишни яхшилашга қаратишга, юксак уюшқоқлик ва интизомни таъминлашга, камчиликларни тезроқ бартараф этишга эришишга ва шу асосда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинининг барқарор ишлашини таъминлашга чақиради.

Йиғилиш қатнашчилари ишлаб чиқариш резервларидан кенг фойдаланиш асосида 1984 йилги давлат плани ва социалистик мажбуриятлар ҳамда умуман беш йиллик план сўзсиз бажарилади, деб ишонч билдирдилар. Олмалиқ металлургларига ва кончилари Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

САЙЛОВОЛДИ МУСОБАҚАСИНИ ЯНАДА АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Беш йиллиннинг тўртинчи йили — беш йиллик топшириқларини, социал-иқтисодий тараққиёт планларини амалга оширишда алоҳида йил бўлади. Биз КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми маъқуллаган план ва топшириқларни бажарибгина қолмай, балки уни анча ошириб адо этмоғимиз, келгуси йилни, умуман, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун зарур шарт-шароит яратмоғимиз лозим. Вазифа, деб кўрсатилди Пленумда, фақат планни бажарибгина қолмай, балки уни ошириб адо этиш учун барча имкониятлардан фойдаланишдан иборат.

Партия белгилаб берган вазифаларни адо этиш ҳар соҳада уюшқоқликни кучайтиришни, интизомни янада мустаҳкамлашни, хўжалик механизмининг барча бўғинларида зарур тартиб ўрнатишни тақозо қилади. Бу вазифаларнинг бажарилиши халқ контроли органлари ролини янада ошириш билан узвий боғлиқдир. Кейинги йилларда назорат ишининг самарадорлигини ошириш учун кўп иш қилинди. СССРда халқ контроли тўғрисида қабул қилинган қонун назорат органларининг нуфузини ошириб, уларнинг вазифаларини, ҳуқуқлари доирасини аниқ белгилаб берди. Эндиликда халқ назоратчилари давлат ва жамоат кучига айланди, давлатимиз сиёсий системасининг муҳим бўғини бўлиб қолди.

Бугунги кунда республикада 430 мингдан ортиқ халқ назоратчиси иш олиб боряпти. Уларнинг вазифалари хилма-хил бўлиб, давлат планларининг бажарилишини назорат қилишни ҳам, резерв ларни аниқлаш ва улардан фойдаланишни таъминлашни ҳам, иш самарадорлиги ва сифатини оширишни ҳам ўз ичига қамраб олади. Халқ назоратчилари давлат интизомининг бузилишига, ишда маҳаллийчилик ва маҳкамачилик кўринишларига, хўжасизлик, талон-торожлик, ўзибўларчиликка қарши принципиал ва муросасиз кураш олиб бормоқдалар. Назорат иши давлат аппарати фаолиятини такомиллаштиришга ҳам ёрдам бермоқда. Ҳар йили контрол органлари бу масалалар бўйича ўн мингдан кўпроқ текшириш ўтказмоқда.

Бироқ бугун фақат ишдаги ютуқлар хусусида фикр юритиш билан кифояланиб бўлмайди. Агар ҳамма жойда давлат интизомининг бузилиш ҳоллари, ишдаги ўзибўларчиликка қатъият билан барҳам берилганида, муваффақиятларимиз анча катта бўлиши муқаррар эди. КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида халқ контроли органлари экономикани ривожлантиришнинг муҳим проблемаларини муваффақиятли ҳал этишга фаол таъсир кўрсатмоқдалар даркор. Халқ контроли комитетлари ва группалари план интизомининг бузилиш ҳолларига барҳам бермоқдаси, бунда айбдор бўлган шахсларга қатъий талаблар қўймоқдаси лозим.

Тўғри, бу масалалар ҳамиша назоратда турибди. Фақат сўнгги бир йилдагина халқ контроли комитетлари иқтисодий ва социал тараққиёт планлари бажарилишининг боришига доир 1030 текшириш ўтказдилар. Лекин шунга қарамай бир қатор корхоналар ва ташкилотлар план-топшириқларини уддалай олмади, ўнлаб миллион сўмлик ғоят зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилмай қолди. Халқ контроли органлари планни бажармасликни қонунни, давлат интизомини бузиш сифатидаги ҳолат деб қарамоқдаси лозим. Улар ҳар бир корхона, қурилиш, транспорт ва бошқа ташкилотлар план-топшириқларини қандай бажараётганликларини кун сайин кузатиб бормоқдаси, ишдаги аҳволни малакали таҳлил қилмоқдаси, қийинчиликлар, танг жойлар ҳосил бўлганида, камчиликларни бартараф этиш учун самарали таъсир кўрсатмоқдаси даркор.

Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, цехлар, участкалар коллективларининг масъулиятини ошириш лозим. Гоҳ у, гоҳ бу буюмлар етишмаслиги факти содир бўлаётган ҳозирги пайтда бу масала ғоят муҳимлигини халқ назоратчилари ҳамиша ёдда тутмоқдаси керак. Холбуки, ҳозирча эскирган, қийматини йўқотган буюмларни ҳам кўплаб ишлаб чиқариш давом этмоқда. Халқ назоратчилари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи қувватлардан қандай фойдаланилаётганлигини муттасил назорат қилиб боришлари, меҳнат унумини қўшимча равишда ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришнинг ҳар қандай имкониятлари ишга солинишига эришмоқлари керак.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш юзасидан юксак марралар белгиланган. Республикамиз меҳнаткашлари бу йил планга қўшимча 130 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари реализация қилиш мажбуриятини олдилар. Унинг бажарилиши муттасил ва амалий назорат қилинмоғи даркор. Халқ назоратчилари бу борада актив позицияда турмоқлари, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар бир корхонада муттасил назорат қилинмоғи, ишда бракка йўл қўйётган, интизомсизлик кўрсатаётганларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтирилмоғи даркор. Брак ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш давлатга катта зарар етказаётганлигини унутиш асло ярамайди.

Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш хом ашё ва моддий ресурслардан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишни, бу ишда халқ назоратчилари активлигини, кучайтиришни, нобудгарчилик, хўжасизликнинг ҳар қандай кўринишига пухта тўғон солишни тақозо этади. Шунга эришмоқ керакки, ҳар бир халқ назоратчиси металл, хом ашё, материаллардан фойдаланишдаги беғамлик, ўзибўларчиликка қарши актив кураш олиб борсин, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга амалий жиҳатдан кўмаклашсин. Шундагина бу йил 1,4 миллиард киловатт-соат электр энергиясини, 380 минг гигакалория иссиқлик энергиясини тежаш юзасидан қабул қилинган юксак мажбурият оғишмай бажарилади.

Халқ назоратчилари қурилиш участкаларида маблағларнинг ва материалларнинг беҳуда сарфланишига, механизмлардан ва қурилиш техникасидан унумсиз фойдаланилишига қарши муросасиз кураш олиб бормоқдаси керак. Ишга туширилиадиган объектларда халқ контроли группалари раисларининг советлари, муваққат назорат постлари тузиш, қурилишнинг боришига уларнинг таъсирини кучайтириш лозим. Транспортда, аввало, темир йўл транспортидаги тартибсизликларга қатъият билан барҳам бермоқ керак. Халқ назоратчилари юкларни ташишдаги узилишларнинг олдини олишлари, вагонлар бекор тўриб қолишига барҳам беришлари, мавжуд камчиликларни бартараф этишда ташаббускорлик, ижодкорлик кўрсатишлари талаб қилинади. Озиқ-овқат программасини бажариш, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасида иш савиясини ошириш, айниқса, муҳим вазифалардир.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари асосида халқ назоратчилари олдида турган вазифалар асосан ана шулардан иборат. Бу вазифаларни адо этиш ҳар бир назоратчи зиммасига, ҳар бир халқ контроли органи зиммасига катта талаблар юклайди. Бинобарин, халқ контроли комитетлари ва группалари фаолиятининг усул ва услубларини муттасил такомиллаштириб бормоқ, назорат органлари беш йиллик тўртинчи йили планларини амалга оширишга самарали таъсир кўрсатишларига, мавжуд камчиликларни бартараф этишда изчил бўлишларига эришмоқ, айниқса, муҳимдир.

Номзодларимиз **ИШТИЁҚ**

Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникумининг чорвадорлари шу кунларда ўзгача ғайрат, ўзгача кайфият билан меҳнат қилмоқдалар. Улар бутун диққат-эътиборларини чорва қишловини муваффақиятли ўтказишга, маҳсулдорликни оширишга қаратганлар. Ўн биринчи беш йиллик план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш, Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж олдирилмоқда. Бу меҳнат беллашувида сут-товар фермасининг илғор сут соғувчиси, комсомол аъзоси Зулфия Орзиева пешқадамлик қиляпти. Зулфия ушбу беш йилликда 258 тонна сут соғиб олишга ваъда берган эди. У мажбуриятини шараф билан адо этмоқда. Ҳозир комсомол қизнинг меҳнат календарида — 1984 йил ноябрь ойи!

Мактабда ўқиб юрган пайтларида Зулфия учун «Келажакда ким бўлсам экан!» деган муаммо кўндаланг бўлгани йўқ. Чунки онаси Турдихон опа, отаси Муқимжон ака Зайнобиддиновлар фермада ишлашар, уларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ана шу ферма билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Бундан саккиз йил аввал Зулфия сут-товар фермасига ишга кирганида онаси Турдихон опа:

— Энг муҳими — иштиёқ бўлса бас, — деган эди. — Қолганлари аста-секин қўлга киритилаверади. Касбингни ардоқласанг, ҳеч қачон кам бўлмайсан.

Бир пайтлар шогирд бўлган Зулфия бугунги кунда ўзи устоз. Ҳозир ёш сут соғувчилар тажрибакор ишчи Зулфия Орзиевадан касб маҳорати сирларини ўрганишни ўзлари учун шараф деб билмоқдалар.

Ҳалол меҳнат, фидокорлик кишини шон-шуҳрат пиллапоялари сари етаклаши турган гап. Қўрғонтепаликлар яқинда илғор чорвадор, фаол жамоатчи Зулфия Орзиевага катта ишонч билдирдилар. Улар З. Орзиевани СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

ҚИШЛОВ МАСЪУЛИЯТИ

Яқин кунларда совлиқлар қўзилай бошлайди. Эҳтимол шунгача ҳаво юришиб, ҳарорат кўтарилиб кетар. Бироқ, шунга қарамай ҳар бир хўжаликда олинган қўзилар асраладиган махсус иссиқхоналар тайёрлаб қўйиш шарт. Илғор бош чўпонларимиз ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига камида 100 та қўзини ўстиришга қолдириш ташаббуси билан майдонга чиқмоқдалар. Мен ҳам бу ташаббусга қўшиламан. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, дастлабки олинган қўзиларнинг катта қисми ўстиришга қолдирилса яхши бўлади. Чунки улар об-ҳаво ва иқлим шароитига тез кўникиб, соғлом ўсади. Иссиқлик ҳарорати кўтарилганга қадар ўзини тутиб олади. Чиқим бўлмайди. Барча отарларда шунга эришмоқ керак.

Ҳар йили қўзиларнинг катта қисми тери учун сўйилянти. Қоракўл тери тайёрлаш плани 120—125 процент, ҳатто ундан ортиғи билан бажариляпти. Қоракўл тери тайёрлаш планини бажаришимиз шарт. Бу — қонун! Лекин план баҳонаси билан тери учун кўзда тутилганидан ортиқ қўзиларни сўйишга ҳақимиз йўқ. Бунга йўл қўйган кишилар жазоланиши керак. Ўстиришга қанча кўп қўзи қолдирсак, келгусида гўшт, жун, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотларни кўпайтиришга шунча мустаҳкам замин яратган бўламиз.

Савол туғилади: айрим нуқсонли қўзиларни, айниқса эркак қўзиларни ўстиришга қолдириш мумкинми? Албатта, қолдириш керак. Нуқсонли қўзилар сўйилганда териси паст сортга қабул қилинади. Улар зоотехника қоидалари асосида боқилганда эса фурсати етиб кўп ва сорти юқори гўшт, майин жун беради. Такрор айтаманки, қўзиларни тери учун сўйишда палапартишликка мутлақо йўл қўймаслигимиз керак. Бу борада мутахассисларнинг роли ва масъулияти бутун чоралар билан кучайтирилмоғи лозим.

Қўзилатиш мавсуми бошланишига жуда оз вақт қолди. Шунга қадар отарлардаги бўғоз совлиқларнинг ҳолати яна бир каррра кўздан кечирилиб чиқилмоғи лозим. Ўрта ёки ўртадан паст семизликдаги совлиқлар бўлса, уларни ажратиб олиш, қўшимча озиқлантириш даркор. Кўп йиллик тажриба кўрсатдики, семиз совлиқларнинг қўзилаши осон бўлади, соғлом ва эгиз насл олинади. Ўрта ва ўртадан паст семизликдаги совлиқлардан бундай натижани кутиб бўлмайди. Ҳар бир бош чўпон шу кунларда ўз отаридаги совлиқларни зоотехника кўригидан ўтказиб олиши ҳам керак. Кўпчилик бош чўпонларимиз ҳар 100 бош совлиқдан 160—165 тадан соғлом қўзи оламан демоқдалар. Менинг отаримда 560 бош қўй бор. Совлиқларнинг парваришини янада кучайтириб, эгиз қўзи олишни ўтган йил мавсумидагидан анча кўпайтираман.

Ем-хашак ва уни сарфлаш хусусида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Чорвадор хўжаликлар, хусусан қоракўлчиликка ихтисослаштирилган совхозларда етарли миқдорда ем-хашак жамғарилди. Аммо унинг анча қисми сарфланиб ҳам бўлди. Тўғри, қишлов давомида чорва моллари, хусусан қоракўл қўйлар озуқага мухтожлик сезмайди. Эҳтиёт фондига эгамиз. Шундай экан деб бир миқол ҳам озуқани исроф қилишга ҳақимиз йўқ. Демоқчиманки, хўжаликлардаги қолган ем-хашак чорва молларининг сони тўлиқ ҳисобга олинган ҳолда қишловнинг охиригача тақсимланиб чиқилиши керак. Иложи борича эҳтиёт фондига қўл урмаслик чораларини кўришимиз лозим.

Афсуски, айрим ҳолларда ем-хашакни сарфлашда нуқсонларга йўл қўйилаётир. Яхши майдаланмаган, сифатли қориштирилмаган ем-хашаклар қўйларга берилиши оқибатида исрофгарчилик юз бераётир. Қўзилаш фурсати яқинлашиб қолган совлиқларни буғланган озуқалар билан боқиш ҳақида кўп гапириляпти-ю, арзигулик иш қилинмаяпти. Музлаган ем-хашак бўғоз совлиқларга берилганда бола ташлаб қўяди-ку! Бу масалада хушёр бўлмоғимиз даркор.

Қишнинг кўпи кетиб, озиқ-овқат ҳисобига олинган ҳолда қишловнинг охиригача тақсимланиб чиқилиши керак. Иложи борича эҳтиёт фондига қўл урмаслик чораларини кўришимиз лозим.

Афсуски, айрим ҳолларда ем-хашакни сарфлашда нуқсонларга йўл қўйилаётир. Яхши майдаланмаган, сифатли қориштирилмаган ем-хашаклар қўйларга берилиши оқибатида исрофгарчилик юз бераётир. Қўзилаш фурсати яқинлашиб қолган совлиқларни буғланган озуқалар билан боқиш ҳақида кўп гапириляпти-ю, арзигулик иш қилинмаяпти. Музлаган ем-хашак бўғоз совлиқларга берилганда бола ташлаб қўяди-ку! Бу масалада хушёр бўлмоғимиз даркор.

Қишнинг кўпи кетиб, озиқ-овқат ҳисобига олинган ҳолда қишловнинг охиригача тақсимланиб чиқилиши керак. Лекин бу билан зиммамиздаги масъулият зарра қамаймайди. Аксинча, кўпаяди. Бундай дейишимга сабаб бор. Ҳозир ҳар кунги одатдаги ишлардан ташқари бўғоз совлиқлар сақланаётган жойларга навбатчилар қўйишимиз, олинган қўзиларни дарҳол зоотехника кўригидан ўтказиб, парваришлашимиз лозим. Фурсатни қўлдан бой бермаслигимиз керак. Бу борада ҳар йилдагидек комсомол-ёшларимиз биз, бош чўпонларга кўмаклашадилар деган умиддамиз.

Совхозимиз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг партия Марказий Комитетининг шу йил 13 февралда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленумидаги нутқини кўтаринки руҳ билан ўқиб чиқдилар. Унда баён этилган фикрларни тўла маъқуллаймиз. Партия даъватига жавобан чорва қишловини кўнгилдагидек ўтказамиз. Маҳсулотларни кўпайтириш билан СССРнинг Озиқ-овқат программаси муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Марди ТУИМУРОДОВ,
Самарқанд область Қўшработ районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози бош чўпони, республикада хизмат кўрсатган чорвадор.

СТАНЦИЯ ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

Давлат комиссияси Андижон ГЭСининг сўнгги икки гидроагрегати — учинчи ва тўртинчи гидроагрегатларни фойдаланиш учун қабул қилди. Қорадарёдаги электр станциясининг қуввати энди 140 минг киловаттга етди.

Бу ерда барпо этилган баланд тўғон ҳосил қилган сув омборига ҳозир сув тўпланмоқда: сунъий денгизнинг ҳажми 2 кубокилометр бўлади. Қор-ёмғир сувлари дарёнинг қуйи томонига оқизила бошлаганида бу сув пастга томон тез оқиб, ўз йўлида тўртта турбинанинг паррак ларини айлантиради ва Андижон ГЭСи Ўрта Осиё туташ энергетика системасига саноат токини беради. Бироқ қурилиш ишлари тўла тугаллангунга қадар янги ГЭСнинг дастлабки икки агрегати 200 минг киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси ҳосил қилишга улгуради. Энди Совет ободдан борадиган энергия икки баравар кўпаяди.

Андижон ГЭСини қуришда Россия, Украина ва бошқа қардош республикаларнинг кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари қатнашдилар. Турбиналар Харьковдан, генераторлар Новосибирскдан, энергияни ўзгартирадиган трансформаторлар Тольяттидан келтирилди.

Андижон яқинида барпо этилган қудратли гидротехника комплекси Фарғона водийсининг катта майдонларидаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга ёрдам беради. Ўзбекистонда ва Қирғизистонда пахта ва шоли етиштириш, токзор ва боғлар барпо этиш учун қўшимча равишда 44 минг гектар қурғоқчил ерлар ўзлаштирилади. 400 минг гектар ерни сув билан таъминлаш яхшиланади.

ЎзТАГ мухбири.

Озиқ-овқат программаси амалда

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

● Наманган районидаги «Ленинград» колхози чорвадорлари давлатга 112 тонна гўшт етказиб бериб, етти ойлик планни муддатидан илгари бажардилар. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 420 килограммдани ташкил этди.

«Коммунизм» колхози чорвадорлари ҳам давлатга 50 тонна гўшт етказиб бериб, биринчи квартал планини барвақт бажардилар.

● Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига ҳисса қўшиш учун қурашаётган Беруний районидаги Беруний номли совхоз паррандабоқарлари биринчи квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга 156 минг дона тухум топширилди. Бу муваффақиятга К. Оллаёрова, Х. Каримова, Қ. Жумамуродова, Р. Холмуродова сингари илғор паррандабоқарлар муносиб ҳисса қўшдилар.

1984 йил 4 март СССР Олий Советига САЙЛОВ

ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ — ЯКДИЛ

ШАҲРИХОН (Андижон области). 23 февраль. (ЎзТАГ). Избоскан сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Нормаҳонмади Жўраевич Худойбердиев билан бугун бўлиб ўтган учрашуви қатнашчилари Коммунистик партия ва Совет давлатининг ички ҳамда ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб, қизғин қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Москва районидаги «Октябрь» колхозининг раиси М. Холматов йиғилиш аҳлига Н. Ж. Худойбердиевнинг ҳаёт йўлини гапириб берди, сайловчиларни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси М. Азимова, «Ленинизм» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қўчқоров, район болалар касалхонасининг врачи М. Алимова ва бошқа нотиқлар ўз нутқларида округ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми қарорларини ғоят маъқуллаб, кутиб олганликлари тўғрисида, жонажон Коммунистик партияга бўлган чексиз ишонч ҳақида гапирдилар. Улар Меҳнат коллективлари КПСС ленинчи Марказий Комитети товарагида яна ҳам маҳкамроқ жипслашаётганликларини, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини, планлар ҳамда юксак мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажариш учун бутун кучларини сарфлашга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини янги муваффақиятлар билан кутиб олишга азму қарор берганликларини таъкидладилар. Нутқларда қайд этиб ўтилганидек, мамлакат давлат ҳокимияти олий органи сайловига тайёргарлик юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда ўтмоқда.

Н. Ж. Худойбердиев юксак ишонч учун сайловчиларга сидқидилдан миннатдорчилик билдириб, халққа хизмат қилиш учун куч-ғайратимни аямайман, деб ишонтирди.

Сайловчилар депутатликка номзодга ўз наказларини бердилар.

ФАРҒОНА, 23 февраль. (ЎзТАГ). Бугун область сиёсий маориф уйининг залида сайловчиларнинг Фарғона сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Тимофей Николаевич Осетров билан учрашуви бўлди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили, Фарғона механика заводи партия комитетининг секретари В. Д. Мартинов йиғилиш аҳлига унинг ҳаёт йўлини сўзлаб берди. У сайловчиларни 4 март куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун аҳил бўлиб овоз беришга даъват этди.

Фарғона пиллакашлик фабрикасининг пиллакаши О. Хонимқулова, уйсозлик комбинатининг катта инженери Л. А. Великоречина, Фарғона районидаги Ленин номли колхоз бригадири К. Аҳмедов ва бошқа нотиқлар КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Ленин партиясининг қатъий ва ўзгармас йўли, дейишди улар, мамлакат экономикасини янада юксалтиришга, халқ фаровонлигини оширишга, ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилгандир. Нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаатига жавобан меҳнат коллективларида шу йилги ва умуман беш йиллик планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақа кенг авж олиб кетганлигини қайд этиб ўтдилар.

Учрашувда Т. Н. Осетров нутқ сўзлади. У ўзига кўрсатилган юксак ишонч учун сайловчиларга қизғин миннатдорчилик билдирди, бу ишончни коммунистик қурилиш ишига садоқат билан хизмат қилиб оқлайман, деб ваъда берди.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАБ

22 февраль куни Москвада пойтахт меҳнаткашлари ва гарнизон жангчилари намояндаларининг Совет Армияси билан Ҳарбий Денгиз Флоти 66 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Президиумда Г. В. Романов, Д. Ф. Устинов, В. М. Чебриков, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, таниқли олимлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, уруш ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ўтиришибди.

Йиғилишда СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов доклад қилди. Совет жангчилари, деди у, КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ва навбатдан ташқари февраль Пленумлари қарорларини бажара бориб, қудратли қурол ва ҳарбий техникани сабот билан эгалламоқдалар, ҳарбий маҳоратни такомиллаштирмоқдалар. Нотиқ империалист доираларнинг айби билан вужудга келган халқаро вазиятнинг мураккаблиги ҳақида гапириб, Ватанга астойдил садоқатли СССР Қуролли Кучлари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг қардош армиялари билан ягона жанговар сафда туриб ўзларининг конституцион бурчини шараф билан бажармоқдалар, социалистик ғалабалар посбонлигида қаттиқ турибдилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненкога баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

УЛУҒ ЁЗУВЧИ БИЛАН ВИДОЛАШУВ

ВЕШЕНСКАЯ. (Ростов области). (ТАСС). Совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният оғир жудоликка учради. Улуғ совет ёзувчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Михаил Александрович Шолохов вафот этди. Мангу барҳаёт асарлар муаллифи, Коммунистик партия билан социалистик Ватаннинг содиқ фарзанди узоқ йиллар яшаган ва ишлаган Вешенская станица аҳолиси қалбини бу хабар чуқур мусибатга солди.

М. А. Шолоховнинг жасади солинган тобут район маданият саройига қўйилган. Бугун бу ерга одамлар тинимсиз келиб турди.

Дафн маросимини ташкил этиш комиссиясининг аъзолари — КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. А. Епишев, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири В. Ф. Шауро, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. Н. Ментешашвили, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретарлари Ю. В. Бондарев, Ю. Н. Верченко, шунингдек КПСС Ростов область комитетининг иккинчи секретари Н. Д. Пивоваров, жамоатчиликнинг, СССР Қуролли Кучларининг намояндалари фахрий қоровулда турадилар.

М. А. Шолоховнинг жанговар сафдошлари, Ростов области колхоз ва совхозларининг, корхоналарининг меҳнаткашлари, мактаб ўқувчилари, ижодий ташкилотларнинг вакиллари, марҳумнинг оила аъзолари, ёрбиродарлари улуғ ёзувчи билан видолашадилар. Тобут ёнига кўпдан кўп гулчамбарлар қўйилган. Улардан бирига: «М. В. Шолоховга КПСС Марказий Комитетидан» деб ёзилган.

Советлар Ватанининг ҳамма жойларидаги кишилар вешенскликларга ҳамдардлик билдирмоқдалар. Узоқ Шарқ ва Карелиядан, Мурманск ва Ленинграддан, иттифоқдош республикаларнинг шаҳар ва қишлоқларидан ҳам. Вешенскаяга ҳамдардлик телеграммалари келиб турибди.



Коммунист Маҳмуд Зиёев пойтахтимиздаги 2-автомобиль транспорт паркида 10 йилдан буён меҳнат қилади. Биринчи класс ҳайдовчиси М. Зиёев социалистик мусобақада ҳамкасбларига ўрнак бўлаётир.

Суратда: биринчи даражали «Аварияси́з ишлаганлиги учун» кўкрак нишонини олган ҳайдовчи М. Зиёев.

В. Молгачев фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Госпланининг бўлим мудири ўртоқ Мария Аркадьевна Осетровани Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЁШЛАР ТИНЧЛИК ИСТАЙДИЛАР

Уруш ҳаракатларига қарши почта орқали ўтказилган янги тадбирда республикамизнинг бир ярим миллиондан кўпроқ йигит ва қизлари иштирок этишди. Йиғилишлар, митинглар, манифестациялар давомида улар АҚШ, Англия, ГФР ва Италия ҳукуматлари бошлиқларига жўнатилган норозилик откритка́ларига ўз имзоларини қўйдилар.

23 февраль куни ёш ижодкор зиёлиларнинг вакиллари Тошкентдаги Кино уйида ўтказилган урушга қарши митингда иштирок этишди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, ВЛКСМ XIX съезди делегати Т. Шокирова, Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатлари — композитор С. Абдусаломов, архитектор М. Усмонов, халқаро кўргазмаларнинг иштирокчиси рассом Р. Муҳаммедов, Ўзбекистон ССР ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси М. Раҳимбердиеванинг нутқларида КПСС ва Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини тўлатўкис маъқуллаш ва қатъий қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фикрлар жаранглади.

Республикамиз пойтахтидаги олий ўқув юртларида ГДР, Мўғулистон, Лаос, Никарагуа каби мамлакатлардан келиб таълим олаётган хорижий студентларнинг чиқишлари қизғин кутиб олинди.

Митинг Ўзбекистон ижодкор ёшларининг жаҳонда тинчликни таъминлаш ва қуролланиш пойгасини тўхатиш учун курашга ўзларининг бутун куч-ғайратларини, билими ва истеъдодини сафарбар этишга қатъий қарор берганликларини яна бир бор ёркин намойиш қилди.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ЙИҒИЛИШЛАРИ

1984 йил 4 март СССР олий советига САЙЛОВ

ИНСОН УЧУН, ИНСОННИНГ БАХТ-САОДАТИ УЧУН

Сайловчиларнинг Г. А. АЛИЕВ билан учрашуви

Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига сайловга кўрилаётган тайёргарлик совет кишиларининг Коммунистик партия билан Совет давлати ленинча йўлини астойдил маъқуллаётганликларини яққол намойиш этмоқда, социалистик халқ ҳокимияти тантанасининг ёркин ифодасига айланмоқда.

23 февраль куни Озарбайжон пойтахтида Боку-Ленин сайлов округи сайловчиларининг шу округдан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Гейдар Алиевич Алиев билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Боку шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Э. Мусаев очди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили «Бакинский рабочий» машинасозлик заводининг электр пайвандчиси М. Б. Абдул-Алиев Г. А. Алиевнинг ҳаёт йўлини гапириб берди ва сайловчиларни 4 март сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Учрашувда монтажчи И. В. Таланцева, учиш экипажининг командири Т. А. Набиев, темирчи Г. М. Бахишев, Боку шаҳар Ленин район партия комитетининг биринчи секретари А. М. Садихов, катта мастер Т. Н. Алекперов, нефтчи А. И. Погосян, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Р. И. Тоировалар сўзга чиқишди.

Нотиқлар партия билан халқнинг бузилмас иттифоқини яққол намойиш этган КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг қарорларини Озарбайжон меҳнаткашлари жанговар ҳаракат программаси деб кутиб олганликлари ҳақида гапирдилар. Республика меҳнатчилари ўз сафларини КПСС теварагида маҳкам жипслаштириб, Советлар мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа потенциалини мустаҳкамлаш учун кучқувватларини аямай сарфлашга бел боғлагандирлар. Улар Озарбайжон ССРга, Бокунинг Ленин районига Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги ғалаба учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилганини зўр ифтихор билан қабул этдилар. Нотиқлар ўз меҳнат коллективлари номидан бу шарафга зарбдор меҳнат билан, коммунистик бунёдкорликнинг янги марраларига чиқиб олиш билан жавоб берадилар, деб ваъда қилдилар.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган Г. А. Алиев нутқ сўзлади. У билдирилган ишонч учун сайловчиларга миннатдорчилик изҳор этиб, бу ишончни, аввало, совет халқининг сиёсий йўлбошчиси, жамиятимизнинг етакчи кучи бўлмиш Коммунистик партияга билдирилган ишонч деб билишини таъкидлади.

— Сайлов кампанияси кунларида биз оғир жудоликка учрадик, — деди сўнгра Г. А. Алиев. — Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватанни астойдил севувчи, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Ю. В. Андропов вафот этди. Ўзининг бутун умри, кучи, билимини коммунистик ғояларнинг тантанаси учун курашга сарфлаган инсоннинг хотирасига муносиб ҳурмат бажо келтириш билан бирга совет кишилари ўз сафларини жонажон Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирдилар.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг қарорларини, Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланганлигини сидқидилдан маъқуллаб кутиб олдилар. Бунда партияга бўлган ишонч ҳамма муваффақиятларимиз ва ғалабаларимизга партия раҳбарлигида эришилганлигини, унинг йўли — меҳнат аҳлининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган бирдан бир тўғри йўл эканини чуқур англаш туйғулари яққол намоён бўлди. Коммунистлар, бутун халқ ўртоқ К. У. Черненконинг партиямиз ва давлатимизнинг атоқли арбоби эканини, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиб, амалга оширишга, унинг бош йўлини назарий жиҳатдан асослашга салмоқли ҳисса қўшаётганини яхши биладилар.

Ўртоқ К. У. Черненконинг навбатдан ташқари Пленумда сўзлаган нутқини мамлакатнинг барча меҳнаткашлари зўр сиёсий аҳамиятга молик ҳужжат деб қабул этдилар. Бу нутқда партиянинг принципиал йўли — коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлининг давомийлиги таъкидланди, ҳозирги босқичда совет жамиятининг иқтисодий, социал ва маънавий тараққиёти вазифалари чуқур белгилаб берилди. Пленум совет кишиларининг КПСС тарихий XXVI съезди, партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини бажариш соҳасида қилаётган меҳнатни ва ижтимоий активликни жўш урдириб юборди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненконинг топшириғини қувонч билан бажариб, Боку меҳнаткашларига, бутун Озарбайжон халқига унинг самимий саломи ва эзгу тилакларини топширам. Константин Устинович ўзининг Бокуда бўлган кунларини, шаҳар меҳнатчилари билан учрашувларини самимият билан эсга олди ва Озарбайжон коммунистлари, барча меҳнаткашлари иқтисодий ва социал тараққиёт планларини бажаришда, партиянинг ҳамма режаларини амалга оширишда янгидан янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдирди.

Бу табрик сўзлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Депутатликка номзод аввалги сайловдан буён ўтган вақт ичидаги даврни тавсифлаб, бу даврда халқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда, социал программаларни амалга оширишда, яъни комплекс тарзда ривожланган социализмни янада такомиллаштиришни билдирувчи бутун кўп қиррали фаолиятда янгидан янги муваффақиятлар билан нишонланганини уқтириб ўтди.

Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари Ватанимизнинг ютуқларидан фахрланиш билан бирга, ўз фикр-зикрларини эртанги кунга, янги, янада улуғвор ишларга қаратадилар. КПСС XXVI съезди ҳужжатларида белгиланган ва Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари қарорларида мустаҳкамлаб берилган иқтисодий ва социал ривожланиш стратегиясини муваффақиятли равишда ва тўла-тўкис рўёбга чиқариш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — ҳозир совет кишиларига хос бўлган ўз мамлакатининг хўжайини туйғуси намоён бўлаётган энг асосий белгидир.

Бултур бутун ишимизнинг услуби ва методларини такомиллаштириш, кадрларнинг масъулиятини, хўжалик юритиш савиясини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат, план ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, уюшқоқликни кучайтириш юзасидан бир-бири билан ўзаро боғлиқ тадбирлар амалга оширила бошлаганлиги нисбатан қисқа муддат ичида кўпгина участкаларда сезиларли силжишларга эришиш имконини берди. Халқ хўжалигини ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар сезила бошлади деб айтиш учун ҳамма асослар бор.

Совет кишилари шуни яхши биладилар: КПСС нимани қилмасин ҳаммасини инсон учун, инсоннинг манфаатлари учун қилади. Бу шиор сиёсатимизнинг олий маъносини ифодалайди, бу шиор бизнинг байроғимизга ёзиб қўйилган ва биз ундан ҳеч қачон чекинмаймиз. Аввалги сайловдан буён ўтган йилларда содир бўлган қийинчиликларга қарамай, халқ фаровонлигини ошириш йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Г. А. Алиев мамлакатимизда халқ турмуш даражасини ошириш йўли қандай рўёбга чиқарилаётганини аниқ-равшан мисоллар билан кўрсатиб, бундай деб таъкидлади: келгусида ҳам совет кишиларига кўпгина яхши, соз нарсалар насиб бўлишига ҳаммамизнинг ишончимиз комил. Бу ишонч эса социалистик турмушимиз сифатининг энг асосий мезонларидан бири, келажакдаги муваффақиятларнинг энг муҳим шарти деса бўлади.

Айни вақтда биз ҳаммамиз халқ фаровонлигини яхшилашнинг бирдан бир манбаи мавжудлигини равшан англаб турибмиз. Бу манба ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ўз лавозимида ёки иш жойида қиладиган меҳнатидир, унинг ҳам мамлакат учун, ҳам ўз фароғати учун бўлган аҳамиятини тўла равишда англаб қиладиган сифатли меҳнатидир. Бунёдкорлик фаолиятимизнинг кўлами нақадар кенг бўлса, ҳар биримиз қиладиган меҳнатнинг юксак салмоғини англаш шу қадар муҳимроқ бўлади, ишчидан тортиб министргача — ҳамманинг ишга бўлган масъулияти шу қадар муҳимроқ бўлади.

Партия бизни халқ хўжалигидаги ижобий ўзгаришларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва кучайтиришга, олға томон қилаётган ҳаракатимизни янада жадаллаштиришга эришишга ундаётган ҳозирги пайтда бу ҳақда гапириш айниқса, муҳимдир. Агар бу вазифа сиёсат тилига кўчириладиган бўлса, халқ хўжалиги комплексининг ҳамма бўғинлари самарадорлигини қатъият билан ошириш ҳақида, бугина эмас, жамиятимизнинг турмушимиз барча соҳалари самарадорлигини ошириш ҳақида ғап бораётганлиги равшан бўлиб қолади.

Ҳозир марказдаги ва жойлардаги бутун ишни пухта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг янги резервларини актив қидириш ва улардан тобора тўла-тўкис фойдаланиш, ҳар биримизнинг ишга виждонан, ижодий муносабатда бўлишимиз мамлакат олдида турган вазифаларни бажаришнинг энг муҳим шартидир. Бу — халқ хўжалигида мустаҳкам муваффақиятларга эришиш калитидир. Шу калитни ишчилар синфимиз, колхозчи деҳқонларимиз, халқ зиёлиларимиз ўзларининг ишончли қўлларига маҳкам олганликлари жуда соз бўлди.

Омманинг ижодий изланиши ва ташаббускорлигига янада кенг ўриқ очиб бериш, меҳнат коллективининг кучига дадилроқ таяниш, унга бериб қўйилган ҳуқуқлардан амалий равишда фойдаланишга интилиш зарур. Ҳар бир участкадаги, ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай бўғинидаги интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ишни янада кучайтириш, бу ишни доимий омилга айлантириш ҳам сўзсиз талаб қилинади. «Уюшқоқлик тўғрисидаги, тартиб ҳақидаги масала биз учун энг муҳим, принципиал масаладир. Бу ҳусусда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас», деб таъкидлади ўртоқ К. У. Черненко.

Нотиқ совет экономикаси ҳал этаётган вазифаларни таҳлил қилиб, транспортни ривожлантириш проблемаларига алоҳида тўхталди. Бизнинг мамлакатимиз каби жуда катта мамлакат шароитида транспорт бениҳоя кўп қиррали роль ўйнайди.

Унинг иқтисодий роли катта, чунки транспорт мамлакатнинг бамисоли қон томиридир. Кўп жиҳатдан у ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви пухталиги, республикалар, ўлкалар ва областлар, территориал ишлаб чиқариш комплекслари ўртасидаги хўжалик алоқаларининг самарадорлигини белгилаб беради, уларнинг яхлит халқ хўжалик комплексига бирлашувини таъминлайди.

Унинг сиёсий роли катта, чунки айни транспорт бизнинг „ягона оила — улуғ совет халқи, ягона Совет давлати аъзолари эканимизни амалда ҳис қилиш имконини беради, шаҳар билан қишлоқни яқинлаштиради, бизнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокимизни, мудофаа қобилиятимизнинг ҳолатини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Транспортнинг психологик роли катта, чунки унинг хизматидан аслида ҳар бир совет кишиси ҳар куни фойдаланиб туради. Бинобарин, транспорт, айниқса шаҳар транспорти, унинг иш сифати аҳолининг жуда катта оммаси психологик муҳитига, бутун халқнинг меҳнат кайфиятига кучли равишда таъсир қилади.

Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети бу соҳадаги ишларни тубдан яхшилашга қаратилган бир қанча катта тадбирларни амалга оширдилар. Бу тадбирлар сезиларли натижалар берганини таъкидлаш қувончлидир. Чунончи, кейинги йиллар мобайнида биринчи марта темир йўл транспортининг иши яхшиланди. У беш йилликнинг учинчи йили асосий кўрсаткичларини бажарибгина қолмай, шу билан бирга 1981 ва 1982 йилларда йўл қўйилган қолоқликни ҳам тугатди. Йил охиригача бутун Байкал — Амур магистралининг бошидан-охирига қадар поездлар тўппа-тўғри қатнай бошлайди.

Шу билан бирга ижтимоий тараққиёт транспорт комплексига нисбатан тобора юксак талаблар қўймоқда. Транспортнинг сувда юрадиган турларини, аввало, дарё транспортини янада кенгайтириш, айниқса, хўжалик жиҳатидан интенсив ўзлаштирилаётган районларда йўллар тармоғини, қувур транспортини ва газ қувурларини жадал ривожлантириш жуда кўп манфаат келтириши мумкин. Эндиликда юкларни ва пассажирларни яқинроқ масофага элтиб қўйишнинг асосий воситаси бўлиб қолган автомобиль транспортини янада ривожлантириш замирида катта имкониятлар яшириниб ётибди.

Транспортнинг ўзига хос ижтимоий қиёфаси бўлмиш пассажир ташишни яхшилаш алоҳида аҳамиятга эга. Очиғини айтганда, ҳозирча бу иш яхши йўлга қўйилмаган. Пассажирларга хизмат қилиш савияси ҳамон пастлигича қолмоқда, қатнов жадвалини бузиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Транспорт миннстрликлари ва корхоналарининг раҳбарлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари бу камчиликларни қатъият билан тугатишлари, хизмат кўрсатишнинг умумий маданиятини оширишлари керак. Бу — хўжалик масаласигина эмас, сиёсий масала ҳамдир.

Жамиятимиз иқтисодий жиҳатдан ривожланган сайин, совет кишиларининг моддий эҳтиёжлари тобора тўлиқ қондирилган сайин турмуш тарзимизнинг социал, маданий ва маънавий бойликлари шаклланадиган, қарор топадиган, такомиллашадиган негиз ҳам мустаҳкамланаверади. Одамларнинг онглилиги ва маданиятлилиги, шунингдек оқилона истеъмол маданияти ҳам шу жумлага киради. Намунали ижтимоий тартиб ҳам, соғлом, оқилона овқатланиш ҳам, аҳолига хизмат қилишнинг юксак сифати ҳам шу жумлага киради. Бўш вақтдан ахлоқий-эстетик нуқтаи назардан мазмунли фойдаланиш ҳам шу жумлага киради, хуллас, ҳозир социалистик маданиятлилик деб тушуниладиган нарсаларнинг ҳаммаси шу жумлага киради.

Г. А. Алиев бутун диққат-эътиборни умуман социал-маданий соҳанинг самарадорлигини қатъият билан ошириш зарурлигига қаратди. Бу ўринда, аввало, шу соҳада меҳнат қилувчилар бош роль ўйнайдилар. Уларнинг бурчи совет кишиси ҳамма жойда ва ҳамиша ўз эҳтиёжларини ҳозирги замон шароитида имкони бўлганича кўпроқ даражада, социалистик турмуш тарзининг идеалларига ва стандартларига мувофиқ тарзда қондира олишини таъминлашдан иборат.

Совет ҳокимияти йилларида барпо этилган маориф системаси — бу соҳадаги энг катта, том маънодаги тарихий ютуқдир. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш маориф системасини такомиллаштиришдаги муҳим босқич бўлиб қолади. Бу ислоҳотнинг Лойиҳасини совет кишилари зўр активлик ва манфаатдорлик билан муҳокама қилмоқдалар.

Совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни партиямиз билан давлатимиз доимо ўзларининг энг муҳим социал вазифаларидан бири деб ҳисоблаб келмоқдалар. Аввалги сайловдан кейин ўтган йиллар ичида халқ соғлиғини сақлашни яхшилаш учун кўп иш қилинди. Аммо ҳали ҳам бир талай камчиликлар бор. Аввало, поликлиникалар, амбулаториялар, диспансерлар, касалхоналар ишини анча яхшилаш лозим. Ҳали ҳам граждан́лар бу жойларда қўполлик, эътиборсизлик, ҳафсаласизлик кўринишларига, ҳатто айрим медицина ходимларининг ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиш фактларига ҳам дуч келиб турибдилар. Бу — бизнинг ахлоқимизга, турмуш тарзимизга ёт ҳодисалардир. Дунёдаги энг инсонпарвар касб соҳиблари орасидаги бундай нуқсонларга, айниқса, тоқат қилиб бўлмайди. Биз бу участкада зарур тартиб ўрнатишимиз лозим.

Соғлиқни сақлашнинг касалликлар олдини олишга қаратилган йўналишини ва аҳоли орасида медицина маорифини тарқатишни қатъиян яхшилаш — соғлиқни сақлашни такомиллаштиришдаги бош вазифадир. Соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми белгилаб берган ҳақиқий стратегик программаси шу мақсадга хизмат қилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу программани бажаришга киришилмоқда. Бу ўринда гап бутун аҳолини ҳар йили диспансер кўригидан ўтказиб туришни жорий этиш тўғрисида бормоқда. Бу — мисли кўрилмаган ва юксак даражадаги олижаноб ишдир!

Бироқ одамларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлик медицинанинг имкониятлари билангина чекланмайди. Физкультура ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланиш сиҳат-саломатликни, иш қобилиятини, яхши психологик бардамликни сақлаб қолишнинг қудратли омилидир. Дурустгина кадрлар ва материал-техника базаси бўлишига қарамай бу вазифани ҳал этиш кўламлари ҳали кўнгилдагидек эмас. Оммавий физкультура ҳаракатини ташкил этиш масалалари билан активроқ шуғулланадиган пайт келди. Бу соҳада соғлиқни сақлаш ва физкультура-спорт органларининг мустаҳкам баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишлари катта наф келтириши мумкин. Бу ишни шундай йўлга қўйиш керакки, медицина муассасалари ўтказиладиган профилактика тадбирлари спорт жамиятлари ва ташкилотларининг оммани мунтазам физкультура машғулотларига жалб этиш соҳасидаги куч-ғайратлари билан бирга қўшиладиган бўлсин.

Совет халқи олдида турган вазифаларни ҳал этишга Озарбайжон меҳнаткашларининг шонли кўп миллатли отряди, республика Коммунистик партияси муносиб ҳисса қўшмоқда, деди сўзини давом эттириб Г. А. Алиев. Аввалги сайловдан кейин ўтган беш йил мобайнида Озарбайжон ССР хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида олға томон катта қадам ташлади. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати республиканинг муваффақиятларига юксак баҳо бердилар. 1983 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунлари юзасидан Озарбайжон ССР яна, сурункасига ўн тўртинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Мамлакатимиздаги ҳар бир республиканинг, ҳар бир халқнинг муваффақияти каби Совет Озарбайжонининг муваффақиятлари ҳам КПСС ленинча миллий сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг натижаси, бу сиёсат битмас-туганмас қаҳётбахш кучга эга эканлигининг жуда ёрқин далилидир.

Совет халқларининг дўстлиги — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, социализмнинг ғалабаларидан биридир, бу ғалабалар эса бутун жаҳон цивилизациясини янада бойитади, уни янги поғонага кўтаради. Совет халқлари дўстлиги иқтисодий, социал ва маданий тараққиётнинг илгари мисли кўрилмаган манбаини очди, имкониятларимизни кўп карра оширди, сифат жиҳатидан янги, моҳият эътибори билан интернационал маънавий, эстетик ва ахлоқий фазилатларни юзага келтирди.

Одамларнинг янги социал ва интернационал бирлиги — совет халқи партия ленинча миллий сиёсатининг ҳақиқий тантанаси бўлди. Бу бирлик миллатлар равнақи ва яқинлашувининг, улар маданияти ўзаро таъсири ва ўзаро бойишининг, совет жамияти социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий бирлиги мустаҳкамланишининг ифодаси бўлиб, бутун тараққиётимизнинг коммунистик йўналишини яққол намойиш қилади.

Бу ишларнинг ҳаммасида улуғ рус халқи ғоят буюк роль ўйнайди. Ҳозир ҳам у ўзининг жуда катта моддий ва маънавий бойлигини, ғоят кўп тарихий тажрибасини сахийлик билан ўртоқлашмоқда. Барча халқларимизнинг ўзаро яқинлашувида, жаҳон маданияти бойлигидан баҳраманд бўлишида бебаҳо роль ўйнаётган рус тили ҳар бир миллатга мансуб миллион-миллион кишилар ҳаётига узвий равишда сингиб кетди.

Ривожланган социализмни такомиллаштириш миллий муносабатларни янада такомиллаштиришга, совет халқининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш билан чамбарчас боғланган. Партия бу ишни кўп йўналишларда амалга оширмоқда.

Ҳар бир граждання интернационал онг ва психология руҳида, ягона совет халқига мансублик туйғуси руҳида, социалистик Ватанга муҳаббатли қилиб тарбиялаш ўз аҳамияти жиҳатидан буюк вазифадир. Республикалар ўртасидаги тобора интенсив хилма-хил алоқалар, улар аҳолисининг кўп миллатли состави шароитида совет кишиларида миллатлараро алоқа маданиятини, интернационал феъл-атвор одобини активлик билан моҳирона шакллантириш жуда муҳимдир.

СССР республикалари, халқлари ўртасидаги алоқалар нақадар кенгайиб, чуқурлашиб бораверса, ҳар бир халқнинг, ҳар бир граждання ягона социалистик Ватан тақдири учун масъулият туйғуси шу қадар кучлироқ бўлади, улар кўп миллатли давлатимизнинг қудрати ва жипслигини ўстиришга муносиб ҳисса қўшишга шу қадар кўпроқ интилаверадилар. Ҳаёт, тажриба бизни шунга ишонтирмоқда. Социализм туфайли юзага келган, ватанпарварлик билан интернационализм узвий равишда бирикиб кетган бу туйғу тараққиётимизнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир. Бинобарин, Озарбайжон халқи Ватанимиз қудратини ўз меҳнати билан бундан буён ҳам оширавериш́ига, совет халқларининг бузилмас қардошлигини мустаҳкамлайверишига, пролетар, социалистик интернационализм байроғини баланд кўтариб боравериш́ига аминмиз.

Г. А. Алиев ҳал қилинмаган вазифаларни таҳлил этишга ўтиб, республикада ҳали фойдаланилмаётган кўпгина резервлар ва имкониятлар борлигини уқтириб ўтди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, унинг сифати ва турлари жиҳатидан беш йиллик режаларидан орқада қолаётган корхоналар, бирлашмалар, ҳатто тармоқлар ҳам бор. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш масалаларига, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қатъият билан бурилиш вазифаси ҳамон суст амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини янада ошириш лозим. Қурилишда куч ва воситаларни кўпдан кўп объектларга сочиб юбориш иллати тугатилган эмас. Моддий-техникавий ресурсларни тежаб сарфламаслик оқибатида катта зарар кўрилмоқда.

Сўнгра нотиқ халқаро аҳвол проблемаларига тўхталди, Коммунистик партия билан Совет давлатининг изчил тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини таърифлаб берди. Мамлакатимиз ўртага қўйган принципиал аҳамиятга молик таклифлар ва ташаббусларнинг кенг комплекси совет кишиларининг тинчликка бўлган ҳоҳиширодаси қатъий эканини янги куч билан тасдиқлади. Шу билан бирга тарих бизни империализмнинг урушқоқлик жазавалари қаршисида ҳушёр бўлиб туришга, мамлакатнинг мудофаа қудратини лозим даражада сақлаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишга ўргатиб қўйган.

Партия сайловни мамлакатни иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан янада юксалтириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш, ядро уруши хавфига қарши, тинчлик учун кураш программаси билан қуроллантириш олмоқда, деди сўзининг охирида Г. А. Алиев. Бу программа ишчилар синфининг, бутун совет халқининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, совет халқи уни астойдил маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда. Бу эса ҳамма планларимиз, албатта ҳаётга татбиқ этилишининг мустаҳкам гаровидир.

Депутатликка номзод сайловчиларга яна бир бор самимий ташаккур изҳор этди, уларнинг ишончини оқлаш, Ленин партиясининг ишига садоқат билан хизмат қилиш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверараман, деб ваъда берди.

(ТАСС).

ЮК КЕМАСИ ТУТАШТИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1984 йил 23 февраль куни Москва вақти билан соат 11 дан 21 минут ўтганда «Прогресс-19» юк кемаси киши бошқарадиган орбитал комплекс «Салют-7» — «Союз-Т-10» билан автомат тарзда туташтирилди.

Космик аппаратлар бир-бирини изланши, бир-бирига яқинлашуви, ёндашуви ва туташуви борт автоматика ёрдами билан бажарилди. Бу жараёнларни Учишни бошқариш маркази билан орбитал комплекснинг экипажи — космонавтлар Кизим, Соловьёв ва Атьков назорат этиб турдилар. Юк кемаси станциянинг агрегат бўлмаси томонидан унга туташтирилди.

«Прогресс-19» кемаси станция бирлашган мотор установкаси учун ёқилғи, илмий-тадқиқотлар ўтказиш ва экипаж ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун ускуна, аппарат, материалларни, шунингдек, хат-хабарларни орбитага элтди.

Экипажнинг докладлари ва телеметрик ахборот маълумотларига кўра «Салют-7» — «Союз-Т-10» — «Прогресс-19» илмий-тадқиқот комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Космонавтлар Кизим, Соловьёв ва Атьков ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ЙИҒИЛИШЛАРИ

1984 йил 4 март СССР олий советига САЙЛОВ

ТИНМАЙ ОЛҒА БОРАЙЛИК, ТОБОРА КАТТАРОҚ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

Сайловчиларнинг Д. А. КУНАЕВ билан учрашуви

СССР Олий Советига сайлов куни яқинлашган сари мамлакат меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ва ишлаб чиқаришдаги ғайраттижоати ошиб бормоқда. Олмаота-Ленин сайлов округининг сайловчилари СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Динмуҳаммад Аҳмедович Кунаев билан учрашмоқ учун баланд руҳ билан 23 февраль куни В. И. Ленин номидаги саройга келдилар.

Учрашувни Олмаота шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Д. Койчуманов очди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Олмаота ип газлама комбинати йигирув-тўқув фабрикасининг директори В. И. Истомин Д. А. Кунаевнинг ҳаётий йўлини гапириб берди, сайловчиларни сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз беришга чақирди.

Йиғилишда уйсозлик комбинатининг электр пайвандчиси М. А. Аҳмедова, С. М. Киров номидаги машинасозлик заводининг йўнувчи токари А. М. Светашев, В. И. Ленин номидаги Қозоғистон политехника институтининг студенти Е. Н. Шмелева, халқ хўжалиги институтининг кафедра мудири Н. С. Есипов, Олмаота область партия комитетининг биринчи секретари К. М. Аухадиев сўзга чиқдилар. Улар совет кишилари мамлакатни ривожлантириш соҳасидаги барча ютуқларни ва истиқболни Ленин партиясининг фаолияти билан узвий боғлаётганликларини таъкидладилар.

Олмаота, бутун республика меҳнаткашлари, деб уқтиришди нотиқлар, КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатига конкрет ишлар билан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириш билан жавоб бермоқдалар. КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари февраль Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқи жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди. Қозоғистон меҳнаткашлари 1983 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра, республика пойтахтига, бир қанча областлар ва районларга, меҳнат коллективларига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари берилганлигига жавобан меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун янада фаолроқ курашмоқдалар, бутун дунёда тинчлик таянчи бўлган Советлар мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришга интилмоқдалар.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган Д. А. Кунаев нутқ сўзлади. Кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун барча сайловчиларга чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, бу ишончни батамом жонажон Ленин партиясига, унинг доно ички ва ташқи сиёсатига билдирилган ишонч деб таъкидлади. Партиянинг асосий мақсади — мамлакат экономикасини бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантиришдан, совет халқининг фаровонлигини юксалтиришдан, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашдан иборат.

Марказий Комитетнинг Пленуми, деди нотиқ, партиямиз ва давлатимизнинг таниқли арбоби ўртоқ Константин Устинович Черненкони бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади. Леонид Ильич Брежнев ва Юрий Владимирович Андропов сингари атоқли арбобларнинг содиқ сафдоши бўлган К. У. Черненко катта обрў-эътиборга, партия ва давлат фаолиятининг қимматли тажрибасига, Ленин типидаги раҳбарнинг барча фазилатларига эга бўлиб, совет кишиларининг чуқур ҳурмат-эҳтироми ва муносиб ишончига сазовордир.

Партиямиз Марказий Комитети ўртоқ К. У. Черненкони КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайлаб, ленинча йўлнинг тўла давомийлигини таъминлади.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми партиямиз бош йўлининг ўзгармаслигини, мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқи фаровонлигини ўстириш, социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириш учун партиямиз бундан буён ҳам ҳамма ишларни қилишга қатъий ахд қилганлигини таъкидлади.

Жаҳон матбуоти ўртоқ К. У. Черненко нутқини зўр эътибор билан кутиб олди. Бу нутқда ҳозирги замоннинг энг ўткир масалалари — тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш масалалари тилга олинган. К. У. Черненконинг бир қанча давлат арбоблари билан учрашувлари Совет Иттифоқи ўзаро ишончсизликни, кескинликни, таҳликани қаҳаро муносабатлардан чиқариб ташлашга қатъий қарор берганлигини тасдиқлади. Айни вақтда Совет Иттифоқи ўз хавфсизлиги ва ўз иттифоқчиларининг хавфсизлиги манфаатларини таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўриши таъкидланди.

Партиянинг партия, давлат ва меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, кадрларнинг масъулиятини ва меҳнаткашлар ижодий активлигини оширишга қаратилган йўлини халқимиз кенг қўллаб-қувватлаб кутиб олди.

Партия, деб уқтирди сўнгра депутатликка номзод, сайловни КПСС Марказий Комитетининг СССР барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатида баён этилган ва меҳнаткашларнинг туб манфаатларини акс эттирган аниқ ва равшан программа билан кутиб олмоқда. Партиянинг ленинча йўли совет халқи томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда, унинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширмоқда, КПСС, унинг коллектив ўзаги ва жанговар штаби — Марказий Комитет теварагида метиндек мустаҳкам жипслашишимизга ёрдам бермоқда.

Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненконинг қизғин саломи ва сиҳат-саломатлик, сизларнинг барча бунёдкорлик ишларингизда янгидан янги меҳнат муваффақиятларига эришишларингизни тилаб билдирган самимий истакларини сизларга ва сиз орқали барча олмоаталикларга зўр мамнуният билан топшираман, деди Д. А. Кунаев. Ҳозир бўлган кишилар бу сўзларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Олий Советига бундан аввал бўлиб ўтган сайловдан кейинги давр, деб сўзини давом эттирди нотиқ, ижодий изланишларга, меҳнат ғайратига, партия билан халқнинг зўр зафарларига бой бўлиб, ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар билан нишонланди. Бу воқеаларнинг аҳамиятини даврга тенг воқеалар деб дадил айтиш мумкин.

Партиянинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари асосий воқеалар бўлди. Партиямиз мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий потенциали, унинг халқаро обрў-эътибори муттасил ошиб бориши учун, унинг мудофааси тегишли даражада бўлиши учун ҳамма ишларни қилмоқда.

Улуғ Ленин ғалаба қозонган социализм жаҳон тарихининг боришига ўз намунаси билан тобора катта таъсир ўтказаверадиган, у инсоният олдида кўндаланг бўлиб турган барча тарихий проблемаларни реал, одилона ҳал қилишнинг ишончли мезони бўла оладиган замон ҳақида орзу қилган эди. Энди биз сиз билан айни ана шундай замонда яшаб, иш кўрмоқдамиз.

Ўз-ўзидан маълумки, бизда ҳали кўпгина ҳал этилмаган проблемалар бор. Аммо партия билан халқ ана шу проблемаларни рўёбга чиқариш йўлида сабот билан ишламоқда. Бунинг ижобий натижалари ҳамма жойда кўриниб турибди. Биз ана шу ишни сусайтирмаслигимиз, ҳамма жойда КПСС XXVI съезди ва Қозоғистон Компартияси XV съезднинг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари тўла бажарилишига эришувимиз лозим. Бу бизнинг бош йўлимиз ва биз бу йўлдан ҳеч қачон чекинмаймиз.

Улуғ Советлар мамлакатининг қўриқ ва космик жасоратлар диёри — Совет Қозоғистони ҳам бутун мамлакат билан биргаликда комил ишонч билан ривожланмоқда. Республикамиз бой бўлган ва шуҳрат қозонган ҳамма нарсалар унинг меҳнатчиларининг, барча ёш ва касбдаги кишиларнинг муштарак куч-ғайратлари билан кўпайиб бормоқда, бутун совет халқининг, социалистик ҳамдўстликнинг, коммунизм қуришдан иборат буюк муштарак ишимиз манфаатларига садоқат билан хизмат қилади ва хизмат қилмоқда. Республиканинг индустриал қудрати ўсиб бормоқда. Жаҳондаги ҳар қандай ривожланган мамлакатни қойил қолдириши мумкин бўлган ноёб территориал-ишлаб чиқариш комплекслари муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Табиий ресурсларнинг ғоят бой запаслари хўжалик оборотига жалб этилди ва жалб этилмоқда. Янги конлар, шу жумладан, нефть ва газга ғоят бой бўлган конлар очилди.

Шу вақт ичида уч юздан кўпроқ саноат корхоналари, катта-катта цехлар ҳамда фан-техниканинг энг янги ютуқлари асосида жиҳозланган, республиканинг саноат географиясини бойитувчи, унинг кўп тармоқли индустриясини сифат жиҳатдан янги даражага кўтарувчи корхоналар ишга туширилди.

Экибастуз ГРЭСининг янги энергия блоклари, Қарағанда металлургия комбинатида оқ тунука, «Чимкентшина» бирлашмасининг биринчи навбати, Лениногорск полиметалл комбинатида шлакларни қайта ишловчи комплекс, Янги Жамбул фосфор заводининг ва Донский кон саралаш комбинатининг катта қувватлари, Павлодар-Чимкент нефть қувури, бошқа кўпгина муҳим объектлар шулар жумласидандир.

Партиянинг иродаси, совет халқининг меҳнати билан бизнинг республикамиз мамлакатнинг энг катта ёқилғи-энергетика базасига айлантирилмоқда. Қозоғистон «катта химия» ўлкаси бўлиб қолди. Республикамизда қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, кўмир ва нефть химияси саноати дадил ривожланмоқда, халқ учун моллар ишлаб чиқариш ўсмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси ва бошқа кўпгина ишлар, деди депутатликка номзод, КПСС XXVI съезди ва Қозоғистон Компартияси XXV съезднинг қарорларига тўла мувофиқ равишда мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб қилинмоқда.

Бултур қозоғистонликларнинг қизғин меҳнати дуруст натижалар билан якунланди, чунончи саноат ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 3,2 процент ўрнига 4,5 процент ошди. Саноат маҳсулотининг бир миллиард сўмликдан кўпроқ ўсишига эришилди. Бунинг учдан икки қисми меҳнат унумдорлигини ўстириш йўли билан олинди.

Капитал қурилиш ҳажмлари ошмоқда. Транспорт ва алоқанинг ҳамма турлари, давлат ва комиссион савдоси, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш тобора ривожланмоқда.

Республиканинг агросаноат потенциали муттасил ўсиб бормоқда. Қаҳрамонона қўриқ эпопеяси қишлоқ экономикамизнинг мустаҳкам асосларини яратди. Дастлабки чўлқуварлар асос солган нарсалар кўпдан кўп авлодларга хизмат қилиб келди ва бундан буён ҳам пухта хизмат қилаверади. Бизда замонавий қишлоқ экономикасини ривожлантириш масалалари жуда зўр эътибор бериб ҳал қилинмоқда. Бу эса сезиларли самара бермоқда.

Ҳатто бултурги, ниҳоятда мураккаб қурғоқ келган йилда ҳам Қозоғистон Ватан омборларига 908 миллион пуд юқори сифатли дон тўкди. Қўриқни ўзлаштиргунга қадар бундай ҳажмлар тўғрисида орзу ҳам қилиб бўлмас эди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг Озиқ-овқат программасига биз — қозоғистонликлар қўшган ҳиссамиз бўлиб, шу программани рўёбга чиқаришда республикага фахрли ва жуда масъулиятли ўрин берилган.

Республиканинг иқтисодий муваффақиятлари КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан йўлнинг чуқур ҳаётийлиги ва тўғрилигини яққол тасдиқлаб турибди ҳамда меҳнаткашлар фаровонлигини, уларнинг маънавий маданиятини янада ўстиришнинг энг ишончли негизидир.

Аввалги сайловдан кейин ўтган вақт ичида меҳнаткашларнинг реал даромадлари 10,4 процент ошди. Бунда ижтимоий истеъмол фондлари анча кўпайди. Уй-жой қурилиши катта кўламда олиб борилмоқда. Республикада ҳар суткада 16 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой фойдаланишга топширилмоқда — 300 оила янги уйларга кўчиб ўтмоқда.

Соғлиқни сақлаш янада ривож топди. Соғломлаштириш ва мактабгача болалар муассасалари тармоғи кенгайди. Халқ маорифида, фан ва маданиятда қувончли силжишлар рўй берди.

Совет жамиятининг бузилмас, маънавий-сиёсий бирлиги, унинг Ленин партияси теварагида маҳкам жипслашганлиги, КПССнинг ленинча миллий сиёсати — амалга оширилган ва амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг асосидир.

Қозоғистоннинг Россияга ихтиёрий равишда қўшилганлигининг 250 йиллигини байрам қилиш ҳақиқий интернационализмнинг ёрқин далили бўлди. Бу байрам дунёда халқларнинг ленинча бузилмас дўстлигидан ажойиброқ, мустаҳкамроқ ва ҳаётбахшроқ куч йўқ ва бўлмаганлигини, халқларнинг марксизм-ленинизм идеаларига содиқлигини, уларнинг муштарак эзгу мақсад — коммунизм йўлидаги ғоят мустаҳкам қардошлигини яна бир бор жуда яққол исботлади. Ленин бизга васият қилган халқлар улуғ дўстлигини бундан буён ҳам ғамхўрлик билан авайлаб асраб, мустаҳкамлайверайлик!

Олмаота Ленин ордени билан мукофотланганлиги катта ва қувончли воқеа бўлди. Ватан унинг революцион ҳаракатдаги хизматларига, совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасига, экономика ва маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қўшган ҳиссасига юксак баҳо берди.

1983 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра, Олмаота КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

Бугунги кунда биз ҳаммамиз кўркам шаҳримиздаги каттагина ўзгаришларни яқол кўриб турибмиз. Унинг саноат, энергетика, машинасозлик юксак даражада ривожланган замонавий катта марказ сифатидаги аҳамияти муттасил ортиб бормоқда.

Умуман Олмаота саноати барқарор ишламоқда. 1979 йилдан бўён унинг ишлаб чиқариш ҳажмлари 17 процентдан зиёд ошди. Маҳсулот ўсишининг салкам бешдан тўрт қисми меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан олинди. Давлат сифат белгиси билан чиқарилган маҳсулот ҳажми қарийб уч баравар кўпайди.

Шаҳарни ноёб объектлар ва архитектура ансамбллари безаб турибди. Аввалги сайловдан кейин шаҳар халқ хўжалигида 3,4 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Беш йил ичида икки миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой фойдаланишга топширилди, 40 мингдан кўпроқ оила янги уйларга кўчиб кирди.

Олмаота—Ленин сайлов округи корхоналари коллективлари шаҳар экономикасига катта, тобора кўпроқ ҳисса қўшмоқдалар. Умуман округ меҳнаткашлари ўтган йилги планларни муддатидан илгари адо этдилар. Округда шонли номлари ва ишлари республикадан ташқарида ҳам кенг маълум бўлган кишилар оз эмас.

Аммо ишларга КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь, навбатдан ташқари февраль Пленумларининг юксак талаблари позициясидан туриб назар ташлайдиган бўлсак, фойдаланилмаётган жуда кўп резерв ва имкониятларни кўрмаслик мумкин эмас. Олмаота шаҳри ва областидаги бир қанча корхоналар ҳозирча план топшириқларини уддалай олмаяпти. Бир қанча жойларда лойиҳадаги қувватлар суст ўзлаштирилмоқда, иқтисод ва тежамкорлик режими яхшиланишини тақозо этади.

Ҳали кўп ишлар қилишимиз керак, деб таъкидлади депутатликка номзод. Биринчи навбатда биз беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини, қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз ва тўла ошириб бажаришимиз лозим. Ҳамма жойда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари камида 1 процент оширишга ва маҳсулот таннархини қўшимча ярим процент арзонлаштиришга эришиш керак. Бу гап саноатга ҳам, шунингдек капитал қурилишга ҳам таллуқлидир. Афсуски капитал қурилишда ишларнинг суръати, сифати ҳозирча талабларга ҳамиша ҳам мос келяпти, деб бўлмайди.

Д. А. Кунаев ўз нутқида интизомни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, юксак турмуш маданияти масалаларига каттагина ўрин бериб, ишчи инсоннинг, унинг оиласи кайфияти, турмуши, соғлиғига боғлиқ бўлган барча системаларнинг фаолиятини бундан буён ҳам тинимсиз яхшилаш, бюрократизм ва сансалорликнинг ҳар қандай кўринишларини қатъиян тугатиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Биз сайловни бутун мамлакатнинг, республикамизнинг, ундаги 19 областдан ҳар бирининг турмуши яна ҳам бой ва гўзал бўлишига тўла ва асосли ишонч билан кутиб олмоқдамиз.

Сўнгра нотиқ, беш йиллик тўртинчи йили топшириқлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Ҳозир бутун республика ана шу топшириқларни амалга ошириш учун қизғин ва ижодий меҳнат қилмоқда. Нотиқ бу йил республиканинг миллий даромади анча кўпаяётганлигини, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмлари ошаётганлигини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги ишлар кескин кучайтирилаётганлигини қайд этди.

Бу йил давлат Сифат белгиси қўйилган уч ярим миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ҳаммамиз ўз ишимиз даражасини кўтарган тақдирда биз бунга эришамиз. Бунда ҳеч кимнинг тўла куч билан ишламаслигига, бошқаларга умид боғлашига, мудрашига йўл қўйилмайди.

Биз капитал қурилиш, шу жумладан уй-жой қурилиши ҳажмларини сира ҳам камайтирмаймиз, унинг сифатини, маиший қулайликларини, меъморий жиҳатдан безатилишини муттасил яхшилашга эришаверамиз.

Қўриқнинг шонли 30 йиллиги нишонланадиган йилда, деди депутатликка номзод, биз мамлакатнинг энг йирик дончилик ва чорвачилик базаларидан бири бўлмиш республиканинг ролини оширишимиз шарт. Бу йил Қозоғистонда мумкин қадар кўпроқ ғалла олинишига, мамлакатга тобора кўпроқ гўшт, сут, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилишига бутун чоралар билан кўмаклашиш, бизнинг бевосита бурчимиздир.

Саноат, транспорт ва алоқа, капитал қурилишнинг барча тармоқлари, қишлоқ экономикаси, фан ва маданият юзасидан социалистик мажбуриятларни ҳамма жойда бажариш муҳимдир. Бунда аввалгидек Олмаотанинг меҳнат коллективлари катта роль ўйнаши керак. Республика пойтахтида ва ҳамма жойда социалистик хўжалик юритиш усули афзалликлари билан фан-техника революциясининг энг яхши ютуқларини узвий кўшиб олиб боришга қатъият билан эришиш лозим бўлади. КПСС Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаати Владимир Ильич Ленининг бугунги кунда, айниқса, актуал бўлган қуйидаги сўзларини эслатиб ўтганлиги бежиз эмас: Қимнинг энг яхши техникаси бўлса, уюшқоқлиги, интизоми... яхши бўлса, ўша устун чиқади. Бу нарса бевосита моддий ишлаб чиқаришгагина таллуқли бўлмай, балки меҳнаткашларнинг ҳар томонлама талаб-эҳтиёжларини бевосита қондирадиган у билан боғлиқ соҳаларга ҳам таллуқлидир.

Шу боисдан бирон-бир ишнинг амалда ҳал этилиши боғлиқ бўлган кишиларда конкрет талабчанликни қатъиян ошириш зарур. Бутун мамлакат билан бирга одим ташлаб бориш, ундан бир қадам ҳам орқада қолмаслик керак.

Ҳозир республикада нимаики қилинаётган бўлса, инсон учун ва инсоннинг бахт-саодати учун, янги дунёнинг маънавий бойликларини, қулай жамоат иқлимини, чинакам коллективчиликни қарор топтириш, социалистик турмуш тарзига ёт бўлган ҳамма нарсаларни, жамиятга зид кўринишларни, қонунларнинг бузилишини, ландовурликни таг-томири билан қатъиян тугатиш учун қилинмоқда.

Совет демократиясини, Алексей Максимович Горькийнинг образли ибораси билан айтганда Ер юзидаги энг ёрқин демократияни умумий куч-ғайрат билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак. Халқ сайлаб қўйган депутатларнинг ролини, масъулияти ва обрў-эътиборини, халқнинг меҳнат ғайратини, барча категориялардаги меҳнаткашлар турмушининг сифатини бундан буён ҳам ошириш, буни биз учун четдан туриб ҳеч ким ва ҳеч қачон қилиб бермаслигини ёдда тутиш лозим.

Келгуси йил, деб давом қилди нотиқ, совет халқи Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлайди. Бу ғалаба халқимизни бутун инсоният кўз ўнгида улуғлабгина қолмай, шу билан бирга бизнинг бутун дунёда мустаҳкам ва адолатли тинчликдан, ядро фалокатининг олдини олишдан кўра юксакроқ мақсадимиз йўқлигини ҳам исботлади. Бизнинг муҳолифларимиз ўзларини сулҳпарвар қилиб кўрсатиб, сафсатабозлик қилмоқдалар ва шу заҳотиёқ янги ядровий ракеталар батареяларини Советлар мамлакатига мўлжал олдирмоқдалар, ҳақиқий урушлар тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқмоқдалар. Аммо илгари айтиб ўтилганидек, бизнинг асабларимиз мустаҳкам. Бизда ва иттифоқчиларимизда ҳимоя қиладиган нарсалар ва уларни ҳимоя қиладиган воситалар бор.

Лекин, ўртоқлар, биз ҳеч кимга таҳдид қилаётганимиз йўқ. Биз бу фикрни энг юксак ва масъулиятли даражаларда аниқ-равшан ва неча марталаб таъкидладик ва таъкидлаймоқдамиз. Ер юзи халқлари ҳақиқат ким томонда эканлигини равшан кўриб турибдилар, тинчлик ва социал адолат учун курашни кучайтирмоқдалар. Бинобарин ҳеч шак-шубҳа йўқки, олижаноб тинчлик иши тантана қилади.

Партиямиз билан ҳукуматимиз тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказа туриб, мамлакат ҳамда унинг қаҳрамон Қуролли Кучларининг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга зўр эътибор бермоқдалар. Қизил Байроқ орденли Шарқий чегара ҳарбий округи билан Ўрта Осиё ҳарбий округининг состави бўлажак сайловни жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги ютуқлар билан кутиб олмоқда, социалистик Ватаннинг тинч меҳнатини пухта қўриқлаб турибди.

Тез кунларда совет кишилари гражданлик бурчини адо этиш, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодларига овоз бериш учун сайлов участкаларига келадилар. Мана шу метиндек бирликда ғоят чуқур маъно бор. Халқнинг турмуши, муддаолари ва юмушлари — ленинчи партиямизнинг турмуши, муддаолари ва юмушидир.

Партия билан халқ якдил. Улар сайловни Улуғ Ватанимизнинг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг муваффақиятларини кўпайтиришдан, ҳар бир меҳнаткаш оиласи турмушини яна ҳам кўркамроқ, бутун дунёда тинчликни яна ҳам мустаҳкамроқ қилишдан иборат ягона муддао билан кутиб олмоқдалар.

Бу— бизнинг сайлов программамиз. Бу — чинакам бахт-саодат йўлидаги бизнинг кундалик меҳнатимиздир. Биз бу йўлда ҳозиргача ғоят катта натижаларга эришдик ва, шубҳасиз, бундан ҳам кўпроқ натижаларга эришамиз.

Пировардида Д. А. Кунаев кўрсатилган шараф учун сайловчиларга яна бир бор сидқидилдан миннатдорчилик билдириб, шу юксак ишончни оқлаш учун бутун куч-ғайратим, билимим ва тажрибамни сарфлайман, деб ваъда берди. У йиғилиш аҳлига янги дунё бунёдкорларининг биринчи сафларида боришларини, улуғ Ленин партиясининг улуғвор режаларини муваффақиятли равишда амалга оширишларини тилади.

(ТАСС).

ОЛИМЛАРНИНГ ДАЪВАТИ

22 февраль куни СССР Фанлар академиясининг президиумида тинчлик ва қуролсизланиш проблемаларини тадқиқ этувчи миллий кенгашнинг ҳозирги вақтда Стокгольмда ўтаётган конференцияси муносабати билан Европада ишончни, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қуролсизланиш тадбирларини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис қатнашчилари Стокгольм конференциясига мурожаатнома қабул қилдилар, унда империализмнинг агрессив кучлари қилаётган ҳозирги ҳаракатлар, аввало, Европа диёрида Американинг биринчи бўлиб зарба урадиган янги ракеталари жойлаштирила бошлаганлиги сабабли путур етказилган ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш муҳимлиги ва актуаллиги таъкидланган.

Тинчлик ва қуролсизланиш проблемаларини тадқиқ этувчи илмий кенгаш Стокгольм конференциясининг барча қатнашчиларини давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончни чинакамига мустаҳкамлашга кўмаклашувчи конкрет натижаларга эришишга чақирди.

(ТАСС).

Чет элларда



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Карл Маркс-Штадтдаги Ф. Геккерт номли станоксозлик комбинати Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг буюртмаларини ўз муддатида мунтазам тайёрлаб бермоқда. Суратда: корхонанинг цехларидан бирида.

АДН—ТАСС фотоси.

ПАРЛАМЕНТ ГРУППАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

ХАНОЙ, 23 февраль (ТАСС). Кеча бу ерда социалистик мамлакатлар парламент группалари раҳбарларининг навбатдаги маслаҳат учрашуви бошланди. Унинг ишида Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия вакиллари қатнашмоқдалар. Совет делегациясига СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси, СССР Парламент группасининг раиси А. П. Шитиков бошчилик қилмоқда.

Учрашув қатнашчилари Ю. В. Андропов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Учрашув қатнашчилари социалистик мамлакатлар парламентларининг фаолият тажрибасини ўртоқлашадилар, парламентлараро иттифоқнинг бўлғуси конференциясига тайёргарлик кўриш, тинчликни, халқаро хавфсизликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун биргаликдаги курашни мувофиқлаштириб олиб бориш мақсадларини муҳокама қиладилар.

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ МИНИСТРЛАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

БРЮССЕЛЬ. Ҳамжамият Министрлар Кенгашининг ташқи ишлар министрлари иштирокида бу ерда бўлиб ўтган сессияси Испанияни Европа иқтисодий ҳамжамиятига қабул қилиш шартларини ишлаб чиқишга бағишланди.

Шу сессияда Испания билан музокараларни асосан шу йил 30 сентябргача тугаллаш мўлжалланган бўлса-да, «Умумий бозор» томонидан қўйилган шартлар жуда оғир бўлганлигидан Мадриддагилар умуман бу шартлар мақбулми-йўқми деган саволни бермоқдалар.

Аввало ҳамжамият Испания экономикасини кичик Европа «стандартлари»га мослаштириш учун ўн йиллик давр» белгиланишини талаб қилмоқда. Бу «стандартлар» жуда ҳам оғир. Масалан, Испания деҳқонларига ўз маҳсулотини Франция, Италия ва Греция қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан рақобат қилиш қобилиятини таъминлаш учун Ғарбий Европа бозорида баланд нархлар билан сотиш таклиф этилади. Мазкур мамлакатларнинг вакиллари сессияда бу хусусда муросасиз позиция тутдилар.

Испания саноатининг қисмати ҳам анчагина оғир. Масалан, Европа иқтисодий ҳамжамиятининг раҳбар органлари ҳамжамиятдаги мамлакатлардан ярим, оролга саноат молларининг эркин келтирилиши учун Испания чегаралари очиб қўйилишини талаб қилмоқдалар.

Испания ҳукуматининг раиси Ф. Гонсалес журналистлар билан учрашувда «Умумий бозор»нинг мана шу очиқдан очиқ камситувчи талабларига қарши менинг мамлакатим ҳамжамият илгари сурган шартлардан «анча узоқ турибди» деб айтишга мажбур бўлди. Унинг сўзига қараганда, Испания Европа иқтисодий ҳамжамияти билан музокараларда қаттиқ позиция ишғол этишга уринади. (ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЎЙИНГ, ҚИЗИҚ!

ИСМЛАР СОНИ ҚАНЧА?

● Японияник Киоси Сайто ўз олдига мураккаб вазифани қўйди. У японияликларнинг қанча исмлари борлигини аниқлашга қарор қилди. 200 телефон справочникини олиб, уларда учраган исмларни ёзиб борди. Натижада исмларнинг сони 193.163 га етди.

Маълумки, Японияда яшовчиларнинг барчаси справочникларда қайд этилмаган. Шу сабабли Сайтонинг фикрича, Японияда кишиларнинг камида 150 минг исми мавжуд.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

РАСМ СОТИЛАДИ

● Стокгольм зоопаркида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлаётир. Бу ерда расмлар сотиляпти, уларни шимпанзелар чизишган. Антиқа расмлардан тушган даромад зоопарк эгалари ҳамёнини тўлдирмоқда.

ҒАЛАТИ ОДАТ

ҚИЗЛАР — ГУЛЛАР

● Панаманинг Сан-Блас шаҳрида ғалати одат ҳанузгача сақланиб келинмоқда: бу ерда 12 ёшгача бўлган қизларнинг барчасини «Нозик гул» деб аташади. 12 ёшдан бошлаб эса, қизларни ўзларининг ҳақиқий исмлари билан чақиришади.

ФАКТНИНГ ЎЗИ

ФАҚАТ ЧАПАҚАЙЛАР УЧУН

● Халқаро статистикага мувофиқ, инсониятнинг 30 процентга яқини чапақайдир. Айрим савдо корхоналари буни эътиборга олиб «Фақат чапақайлар учун» тамғаси босилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришяпти. Англиядаги фирмалардан бири чап қўли билан ёзувчилар учун, ҳаттоки, чеклар дафтарчасини чоп этишга улгурди.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ ҲАЁТИДАН

ЁШЛАР МАМНУН

Сирдарё районидаги Ильич номли колхозда физкультура ва спортга алоҳида эътибор берилмоқда. 600 дан ортиқ кишини жисмоний тарбиянинг бирон-бир тури билан мунтазам шуғулланиб турганлиги колхозда физкультура ва спорт оммавийлашиб, ёшлар маҳорати ошиб бораётганлигидан далолатдир. Ўтган йили колхоз йигит-қизлари орасидан бир спорт мастери, уч нафар мастерликка номзод, етти нафар биринчи разрядли, ўн бир нафар оммавий разрядли спортчи ва 180 ГТО нишондори тайёрланди.

Колхоз спортчиларига коммунист Бахтиёр Хўжаев устозлик қилмоқда. У тадбиркор спорт инструктори сифатида ёшларда физкультура ва спортга ихлос уйғотмоқда. Қишлоқ аҳли мастерликка номзод Малик Сейфатов, Эркин Поччаев, биринчи разрядли спортчилардан Насиба Казакова, Вилорий Ли, Владимир Заверталюк сингари спортчилари билан фахрланади. Ёшлар спортнинг миллий қураш, стол тенниси, волейбол, шахмат-шашка каби турлари бўйича район, область ва республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, жонажон колхозлари номини шарафламоқдалар.

Хўжаликда ёшларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратишга ҳаракат қилинмоқда. Чунончи, кейинги йилларда 2 та футбол, 3 та баскетбол ва волейбол майдончалари тартибга солинди. Мерганлик майдони фойдаланишга топширилди. Узунлиги 50 метрли сув ҳавзасини реконструкция қилиш жадаллик билан олиб борилмоқда. Колхозда болалар ва ўсмирлар спорт мактабини очиш мўлжалланмоқда.

Спорт турлари бўйича секциялар ишининг узлуксизлигини таъминлашда спортчиларнинг ўзлари жонбозлик қиладилар. Секция раҳбарлари эса вақти-вақти билан физкультура совети раиси — колхоз правлениеси раиси Камол Саидовга ҳисоб бериб туришади. Спорт ишларида касаба союз аъзолари ва комсомолларнинг ташкилотчилиги тўғри йўлга қўйилган. Кейинги икки йил мобайнида 2 минг сўмлик спорт анжомлари харид қилинди. Яна 1,5 минг сўмлик спорт инвентарлари сотиб олиш режалаштирилган.

Колхозда физкультура ва спорт ишларининг йилдан-йилга яхшиланиб бориши хўжалик аъзолари саломатлигини мустаҳкамлашда, меҳнат унумдорлигини оширишда, қолаверса турмуш маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қ. ҲОЖИЕВ.

ЧАВАНДОЗЛИК:

АНДИЖОН СУВОРИЙЛАРИ

Андижон хўжаликлараро от спорти клуби Россия федерациясидаги от заводларидан ўнта зотли ёш от олди. Энди бирданига 120 спортчи мунтазам равишда машғулотлар ўтказиш имкониятига эга бўлди.

Область марказидан икки километрча нарида жойлашган Хартум посёлкасидаги спорт клубини Анда Григорьевна Пахомова ташкил этган эди. Ёш тренернинг ўзбек посёлкасига Украинадан келганига ўн йил бўлди. Бу ерда у кўплаб ёрдамчилар орттирди. Кўп ўтмай, посёлкада бир неча колхоз ва совхоз пай асосида отчопар барпо этишди. Спорт отлари, асбоб-ускуналар сотиб олинди. Дастлабки группалар ўша вақтда тузилган эди.

Пахомованинг ўзи мамлакатдаги от заводларида бўлиб, аукционларда қатнашиб, клуб учун зотли пойгачи отларни танлади. Тез орада дастлабки муваффақиятларга ҳам эришилди. У тарбиялаб етиштирган чавандозлар турли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллай бошладилар. 1980 йилда эса асосан Андижон от спорти клуби чавандозларидан иборат область командаси республика чемпиони бўлди.

Бу ерда халқаро классдаги икки нафар спорт мастери, 18 СССР спорт мастери, 17 мастерликка номзод тайёрланди. Ҳозирги вақтда клуб спортчиларидан олти киши Ўзбекистон терма командасининг аъзосидир. Эндиликда клуб областдаги бошқа бешта от спорти клубига кўмаклашадиган методик марказга айланган.

Ҳозир областдаги энг кучли чавандозларнинг ҳаммаси Хартумга келиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун ўтказиладиган республика чемпионатига тайёргарлик кўра бошладилар.

К. НИЗОМОВ.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

ЎРИНБОСАРЛАР КЎРИГИГА

Маълумки, сентябрь ойида Тошкентда мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ Спартакиадаси ўтказилади. Ҳозир бу Спартакиаданинг «Ўйинлар календари» тузилди.

Еш гандболчилар мусобақага биринчи бўлиб киришадилар. Тошкент тўқимачилик комбинати стадионининг майдончалари улар ихтиёрига бериб қўйилди. Ҳамма командалар учта кичик группага бўлинган. Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Литва ва Россия федерациясининг спортчилари «Б» кичик группада Ўзбекистон ўсмирлари билан баҳслашадилар. Спортчи қизларимиз Озарбайжон, Белоруссия, Қозоғистон, Тожикистон, Украинадан келадиган тенгқурлари билан «В» кичик группада беллашадилар.

Шахматчиларнинг мусобақаси қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Одатда, ўсмирларнинг турнирларида янги талантлар аниқланади. Шу нарсани эслатиб ўтиш кифояки, олти йил муқаддам Тошкентда бўлиб ўтган ана шундай Спартакиада мусобақаларида Гарри Каспаров зўр маҳорат кўрсатган эди. Бу сафар Ўзбекистон шахматчилари Белоруссия, Молдавия, Украина, Эстония намояндалари билан дастлабки учрашувларни ўтказадилар.

Стол тенниси бўйича беллашувлар бир оз бошқача ўтади. Бу ерда мукофот учун курашни 13 ва 18 ёшгача бўлган спортчилар олиб борадилар.

Қуръа ташлаш бўйича футбол, волейбол ва спортнинг бошқа турлари юзасидан турнирда қатнашадиган кичик группаларнинг состави ҳам белгиланди.

Ўзбекистон пойтахти ёш спортчилар катта байрамининг қатнашчиларини орзиқиб кутмоқда.

(ЎзТАГ).

Олдинда — қизғин баҳслар

Эртага республикамиз пойтахтида бокс бўйича СССР чемпионати бошланади. Мусобақалар 25 февралдан 4 мартга қадар давом этади. Суратда: СССРда хизмат кўрсатган тренер Ю. Матулевич-Ильичев (чапда) ёшлар ўртасида Европа биринчилигининг финалчиси Ю. Савочкин билан машқ ўтказмоқда.

А. Рисқиев (ЎзТАГ) фотоси.

ФУТБОЛ:

БИЛЛУР СОВРИН ЙЎЛИДА

Олий ва биринчи лига командалари иштирокида СССР кубоги учун 1/16 финал учрашувлари ўтказилди. Қиш фасли бўлишига қарамай чарм тўп усталари яхши ўйин кўрсатиб, ишқибозларни мамнун этишга интилмоқдалар.

Мамлакатнинг ўтган йилги чемпиони «Днепр» (Днепропетровск) дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтди. Чемпионлар ўз майдонида Кемеровонинг «Кузбасс» коллективанни 3:2 ҳисобида ютишди. Киев динамочилари СКА «Карпати» футболчиларини 3:1, «Спартак» (Москва) Смоленскнинг «Искра» клубини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Тошкентда маҳаллий пахтакорчилар Воронежнинг «Факел» командасини қабул қилдилар. Ўйинининг дастлабки дақиқалари майдон эгаларининг устунлигида ўтди. Улар бир неча бор меҳмонлар дарвозаси олдида хавфли вазиятларни вужудга келтирган бўлсалар ҳам улардан фойдалана олишмади. Учрашувнинг 43-минутида «Факел» ҳужумчиси Шмаров томонидан киритилган тўп меҳмонларни олдинга олиб чиқди. Иккинчи бўлимда ҳар иккала команданинг ўринишига қарамай ҳисоб ўзгармай қолди.

Республикамизнинг учала вакили «Пахтакор», «Звезда» (Жиззах) ва «Нефтяник» (Фарғона) дастлабки учрашувларда имкониятларни бой бериб, биллур соврин учун курашни давом эттиришдан маҳрум бўлдилар.

Францияда эса эркин кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Бу ерда термизлик жаҳон чемпиони Арсен Фадраев зафар қўлди. Курашчимиз 74 килограмм вазнли полвонлар билан беллашиб, майдондан кураги ерга тегмасдан чиқди.

КУРАШ:

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Республикамиз полвонлари халқаро мусобақаларда муваффақиятли беллашмоқдалар. Чунончи, Швецияда классик кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақада СССР терма командаси ғалаба қозонди. Бу муваффақиятга СССР халқлари VIII Спартакиадасининг чемпиони тошкентлик Комил Фаткулин муносиб ҳисса қўшди. У 57 килограмм вазнли курашчилар билан беллашувда маҳорат кўрсатиб, ғолиблик супасининг биринчи поғонасини эгаллади.

ҲАМКОРЛИК

ЯХШИ КАЙФИЯТ ЦЕХИ

Илгари заводимиз территориясидаги ишчилар ошхонасида гоҳ ходимлар етишмас, маҳсулот ва масаллиқ вақтида келтирилмас, ремонт қилиш учун эса маблағ, материал ҳам топилмас эди. Биз ана шу қийинчиликларни бартараф этишга муваффақ бўлдик. Уч йилдан буён ишчилар ошхонаси заводнинг яхши созланган механизмларидан бирига айланган. Қувасой шаҳар матлубот жамияти кооператорлари бу ишда бизга катта ёрдам бердилар. Тўғрисини айтганда, завод маъмурияти билан матлубот жамияти ўртасидаги ҳамкорлик туфайли умумий овқатланиш корхонаси ишини яхши йўлга қўйдик. Бунда Усмон Жамолхўжаев бошчилигидаги касаба союз завод комитетининг ҳиссасини ҳам таъкидламоқ керак. Чунки, завком ишчиларнинг умумий овқатланиши учун шарт-шароитларни яхшилашни коллектив шартномасига муҳим пункт сифатида киритган эди.

Заводимизнинг ишчи ва хизматчилари уч сменада иш олиб борадилар. 224 ўринли ошхонада иш шундай ташкил этилганки, ишчилар 15-20 минут ичида бемалол овқатланиб бўладилар. Таомлар ассортиментида эса 20 дан ортиқ номни учратиш мумкин. Ишни ташкилий жиҳатдан қайта қуриш натижасида завод территориясидаги ошхона, озиқ-овқат ва саноат моллари магазинларининг масъул ходимлари кўпгина хўжалик ишларидан ҳалос бўлдилар. Асосий эътиборни хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга, тайёрланадиган таомлар сифатини яхшилашга қаратмоқдалар.

Ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимига кооператив савдо точкалари биркитиб қўйилган. Чунончи, ошхона ёки озиқ-овқат моллари магазинига қачон транспорт воситаси керак бўлиши олдиндан маълум. Шунинг учун улар товар келтиришда ҳеч қандай қийинчилик сезмайдилар. Шунингдек савдо объектларини ремонт қилиш ишлари ҳам олдиндан планлаштириб қўйилган.

Бундан ташқари заводимизда «Оператив ёрдам хизмати» мавжуд бўлиб, кооперация ходимлари ёки матлубот жамияти вакиллари қуйи бўғинларда ҳал қилиб бўлмаган проблема ҳақида бевосита завод дирекциясига, партия ташкилотига телефон орқали мурожаат қила оладилар. Шуни айтиб қўйайки, ўтган икки йил ичида ишчиларнинг овқатланиши, таъминотига оид қийинчиликлар ҳақида бундай сиг-наллар тушмади. Икки йил давомида завод ишчиларига хизмат кўрсатувчи ҳамма кооператив ташкилотларининг интерьерлари янгиланди. Замонавий ускуналар ўрнатилди, хизмат кўрсатишнинг прогрессив формалари жорий этилди. Ишчиларимиз ошхонани корхонамизнинг ўзида тайёрланган керамика буюмлари билан безатдилар. Қувасой шаҳридаги ишчилар ошхоналарининг кўрик-конкурсида ошхона энг намунали деб топилганлиги билан ишчиларимиз ҳам ҳақли равишда фахрланмоқдалар.

Ошхонада таомлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда ёрдамчи хўжалигимизнинг ҳам ҳиссаси бор. Бу ерда 41 бош сигир боқиляпти. Сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилади. Ёрдамчи хўжаликда қишда ишлатиш учун 30 тонна пиёз, 10 тонна картошка, кўп миқдорда ошқовоқ, олма ва беҳи тайёрланди.

Завод билан кооператорлар ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилган бўлиб, унда ишлаб чиқариш масалаларидан ташқари ошпазларга заводнинг уй-жой фондидан квартира ажратиш, завод профилакторийси ва ётоқхонасидан жой ажратиш ҳам кўзда тутилган. Матлубот жамияти ходимларининг фарзандлари заводга қарашли болалар боғчаларида тарбияланмоқдалар. Бу ғамхўрликка жавобан матлуботчилар ишчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини муттасил оширмоқдалар. Завод йиллик планларни муваффақиятли бажариб келаётган экан, бунда кооператорларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Қ. МАМАЖОНОВ.
Қувасойдаги «СССР 60 йиллиги» чинни заводи директори.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ЯПОН ТИЛИДА

Дунёдаги энг яхши қовунлар жонажон республикамизда етиштирилади. Маълумки, Ўзбекистонда қовуннинг 150 дан зиёд нави бор. Халқимизнинг истеъдодли селекциячилари яратган турли-туман қовун навлари тезпишарлиги, йириклиги, шакли, хушбўйлиги ва ранг-баранглиги жиҳатидан бир-бириҳан катта фарқ қилади. Бу қовунлар жуда сершира ва хушбўй бўлиши билан бирга, куврак ва оғизда эриб кетадиган даражада юмшоқ. Қовун — ўзбек халқи дастурхонининг нозу неъматларидан бири. Айни пайтда республикамизда етиштириладиган аксари нав қовунлар узоқ жойларга олиб боришга ва беш-олти ойгача сақлашга чидаши билан ҳам маълум ва машҳур. Шулар ҳақида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти олимлари тайёрлаган «Ўзбекистон қовунлари» атласида батафсил сўз юритилган эди. Унда Ўзбекистонда қовунчиликнинг тарихи ва ҳозирги аҳволи, қовун навлари яратилган ҳар хил зоналарнинг тупроқ-иқлим шароитидаги ўзига хос хусусиятлар, қовун селекцияси ва уруғчилиги тўғрисида ҳам маълумотлар берилган эди. Атлас республикамиздан ташқарида ҳам кенг шуҳрат топиб, хорижий мамлакатлар мутахассислари диққат-эътиборини ҳам тортди.

Яқинда Бутуниттифоқ авторлик ҳуқуқи агентлиги Ўзбекистон бўлими номига бандероль келди. Унда Японияда ги Миэ префектураси Сабзавотчилик синов институтининг селекция бўлими томонидан япон тилида нашр қилинган «Ўзбекистон қовунлари» атласининг нусхаси бор эди. Унинг сарлавҳалари япон, инглиз ва рус тилларида берилган бўлиб, чиройли расмлар билан безатилган.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ТЕПЛОФИЗИКА БЎЛИМИ лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кичик илмий ходимлар: юқори температурали жараёнлар, тўлқинли жараёнлар.

Конкурс муддати — 2 мартгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700100, Тошкент шаҳри, Краснодон проезди, 10-уй. Телефон: 55-42-18.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг М. Т. ЎРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ метрополитеннинг сейсмик мустаҳкамлиги лабораторияси катта ва кичик илмий ходимлари ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 2 мартгача.

Мурожаат учун адрес: 700143, Тошкент шаҳри, Г-143, Академиклар шаҳарчаси (1,16 автобуслар, 6, 13, 22 трамвайлар, 17,18-троллейбусларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати).

СССР Медицина фанлари академияси БУТУНИТТИФОҚ ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Илмий-поликлиника бўлими функционал диагностика группасининг **катта илмий ходими** (медицина фанлари кандидати); **бўлимларининг кичик илмий ходимлари:** реанимация (2 ўрин), томирлар хирургияси, экспериментал бўлими.

Конкурс муддати — эълон чиқан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 10-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кичик илмий ходимлар: сейсмик микрорайонлаштириш ва ернинг кучли ҳаракати (2 ўрин), белгиланган сейсмиклик, регионал инженерлик геологияси.

Конкурс муддати — 23 мартгача.

Мурожаат учун адрес: 700128 Тошкент шаҳри, Марказ-12, Хуршид кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 41-38-41, 41-43-44.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/II да **Дон Кихот**, 25/II да **Кармен**, 26/II да **Оловиддиннинг сеҳрли чироғи** (12.00), **Жизель** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да **Келинлар қўзғолони**, 25/II да **Қиёмат қарз**, 26/II да **Зебуннисо**.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати ва Ишлар бошқармасининг партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг масъул ходими Ю. К. Фозиловга отаси

Комил Мусаевич ФОЗИЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Театр жамияти ва Санъат ветеранлари совети республика театр санъатининг кекса арбоби, Ўзбекистон Театр жамиятининг аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ артисти, республика миқёсидаги шахсий пенсионер С. Олимовга умр йўлдоши

Зокира Ғаниевна ОЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ахборот

НАМАНГАН

ЯНГИ ФАБРИКА

Чортоқ районида трикотаж фабрикаси қурилиши бошлаб юборилди. Янги корхона йилига 10 миллион дона ички кийимкечак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Корхона қурилишига 5 миллион 340 минг сўм маблағ ажратилди. Биноқорлар шу йилнинг ўзида бир ярим миллион сўмга яқин қурилиш-монтаж ишларини адо этишга қарор қилишган. Янги корхона ўн иккинчи беш йиллиқнинг дастлабки йилида маҳсулот бера бошлайди.

ЮКСАК УНУМДОРЛИК

Намангандаги нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари ўртасида СССР Олий Советига сайлов кунини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа қизғин тус олди. Тажрибали мастер Ҳамид Раҳимов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари сайлов кунини квартал планини бажариш билан кутиб олишмоқчи. Бригаданинг М. Матмусаева, Х. Пўлатова, З. Ботирова, М. Қозоқбоева каби аъзолари кунлик топшириқларини бир ярим ҳиссадан адо этишмоқда.

Корхонанинг Шарифа Усмонова, Марям Аҳмадхонова, Александра Корниенко сингари пешқадам ишчилари СССР Олий Советига сайлов кунини 1986 ва 1987 йиллар меҳнат календари бўйича ишлаш билан нишонлаш учун куч ва имкониятларини сарф этишмоқда.

ФОЙДАЛИ УСУЛ

Одатда ғиштнинг майда синиқлари ишлатилмай ташлаб юборилади. Аслида ундан ҳам қурилиш ишларида фойдаланса бўларкан. Наманган шаҳридаги 10-қурилиш трести Наманган қурилиш бошқармасининг бригадири, Ленин ордени кавалери Сайдилла Сайфиддинов майда чиқинди ғиштлардан девор тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқди. Бунинг учун керакли ҳажмда арматура синчлари тайёрланади. Синч орасига майда ғиштлар терилиб орасига алебастер қоришмаси суюқ ҳолда қуйилади. Орадан 10 минут ўтгач қурилган деворни кўтарма кран ёрдамида қурилишда монтаж қилиш мумкин. Бу усул кўлланилганда ҳар минг квадрат метр ярим ғиштли оралиқ деворин қуришда 26 минг дона зарур материални тежаб қолиш мумкин. Шунингдек, ишчи кучи ва вақт ҳам иқтисод қилинади. Область марказидаги бир қатор уй-жойлар қурилишида ана шу усулда тайёрланган материалдан муваффақиятли фойдаланилмоқда.

ҲАММА НАРСА ТАХТ/

Наманган райони механизаторлари сайловолди социалистик мусобақасини кучайтириб ишлашмоқда. Районда техника ремонти муддатидан илгари тугалланди. Ҳозиргача барча турдаги ҳайдов, чопиқ ва транспорт тракторлари, культиватор, сеялка, текислагич комплекс, борона ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик механизмлари, асбоб-ускуналар сифатли созлаб қўйилди. Айниқса, «Қизил Байроқ», «Партия XXII съезди», «Ленинград» колхозларида кўламги мавсумга тайёргарлик пухта амалга оширилди.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.50 — Мультфильм. 10.10 — Худди шундай бўлади. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.15 — Москва ва москвaликлар. 16.50 — Рус тили. 18.50 — Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сайловлар олдидан. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — Надежда. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.10 — Вираж. Спорт мусобақаси. 23.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Илмий-оммабоп фильм. 13.35 — Тициан Табидзе. 14.20 — XIX аср биринчи ярми живописи. 15.00 — Бил ва уддала. 15.45 — Ҳарбий йиллар қўшиқлари. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.30 — Саёҳатчилар клуби. 20.45 — Онамларнинг мактаби. 21.30 — Время. 22.10 — Аквананвтлар. Бадиий фильм. 23.30 — Операдан парчалар.

ТОШКЕНТ-I. 11.00 — Ахборот. 11.20 — Телефильм. 12.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — Фронт ортидаги фронт. Бадиий фильм. 2-серия. 13.55 — Замандас. 14.55 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — КПСС МК мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги Лойиҳасини муҳокама қиламиз. 18.40 — Илҳом. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Инсон ва қонун. 20.10 — Сара уруғ — ҳосил бўлиқ. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.10 — Дунё воқеалари. 22.40 — Театр премьералари. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.20 — МОСКВА-II 18.40 — Будёновка. Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Сайловдан сайловгача 20.50 — Реклама. 21.00 — Инсон ва табиат. 21.30 — МОСКВА-II.

25 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.50 — АБВГДейка. 10.20 — Спортлото. 10.30 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.00 — Сизга манзур адабиётлар. 11.45 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — Ғолиблар. 14.25 — Оила ва мактаб. 14.55 — Дунё воқеалари. 15.10 — Ҳамдўстлик. 15.40 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.40 — Мультфильм. 16.50 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 17.20 — Ўрмон баҳайбати ҳақида қисса. Бадиий фильм. 19.35 — Комаълум Чаплин. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 21.30 — Время. 22.10 — А. И. Островский қўшиқлари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — Тонгги почта. 10.35 — Боғлар ва хиёбонлар. 11.05 — Автомобиль спорти бўйича халқаро мусобақалар. 11.35 — **Ўзбекистон телевидениеси студиясининг программаси.** 13.00 — Кета туриб, қайрилиб боқ. Фильм-спектакль. 15.15 — Ҳужжатли фильм. 16.05 — Фильм-концерт. 16.55 — КПСС МК мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги Лойиҳасини муҳокама қиламиз. 17.25 — Мўъжиза шундай бошланади. 1-кўрсатув. 18.40 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 19.25 — Мультконцерт. 20.05 — Пауль Куссбер — Эстония халқ ёзувчиси. 20.45 — Халқаро обзор. 21.00 — Музикали киоск. 21.30 — Время. 22.10 — Мен ва қўшиналарим. Бадиий фильм. 23.15 — Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Телеминиатюралар. 11.10 — Оналар мактаби. 11.40 — Танҳо ҳамма билан. Спектакль. 13.30 — Светофор. 14.30 — Стадион ҳамма учун. 15.00 — Мультфильм. 15.15 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 17.00 — Дўстлик экрани. 18.00 — Болалар учун фильм. 18.10 — Бойчечак. 18.45 — Оламга саёҳат. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ялла вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 21.30 — Время. 22.10 — Сандон ёки болга. Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 — Бокс. СССР чемпионати. 16.55 — 21.30 — **Тожикистон телевидениесининг программаси.**

РАДИО

24 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши инсон ичра мен. Концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Р. Абдуллаев куйлари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Бригада пудратининг самараси. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт 22.30 — Бугун радиотеатрда.

25 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ қўшиқлари гулдастаси. 9.30 — Халқ талантларининг концерти. 10.15 — Дугоналар. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига. 15.40 — Мен севган қўшиқ. 16.30 — Арзномалар — ҳангомалар. 17.00 — Музика ва саҳна. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 18.30 — Ижодиёт оламида. 19.25 — Ёшлик. 21.00 — Ҳозирги боскичда қозиқ кураш. 21.10 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига. 22.30 — Шодлик ансамбли солистларининг концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.